Тадқиқотда барқарор юрак етишмовчилиги бўлган 204 бемор иштирок этди. Қон плазмасидаги МНУП даражаси диастолик дисфункциянинг эхокардиографик параметрлари билан боғлиқ: юқори даражали МНУП - псевдонормал ёки рестриктив миокард чекланган тури билан мувофиқ бўлади. МНУП даражасини аниқлаш СЮЕ билан касалланган беморларда диастолик дисфункциянинг оғирлигини аниқлаш ва баҳолашнинг ишончли тадқиқот усули эканлигини кўрсатди[47].

СЮЕ билан касалланган беморларда плазмадаги МНУП ва ДД даражаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланди. 205 та беморни юрак катетеризацияси, эхокардиография ва қон плазмасидаги МНУП даражаси текширилди. Шу билан бирга, кейинги тадқиқотга анамнезида ЎМИ бўлган, систолик дисфункция ОФ <50% бўлган 40 та бемор кирди. Барча беморларда ЧҚ охирги диастолик ўлчам (ОДЎ), охирги диастолик ҳажм (ОДХ), митрал қопқоғининг эрта ва кеч тўлдириш пайтида тепалик тезликларининг нисбати (Е / А нисбати), ўпка капилляр босими ўлчанди ва қон плазмасидаги МНУП миқдори аниқланди. Кейинчалик, барча беморлар икки гуруҳга бўлинди, бўлиниш ЧҚ диастолик

функциясига асосланган эди. Натижалар шуни кўрсатдики, беморларда плазмадаги МНУП миқдори ОФ икки гуруҳ ўртасида фарқ қилмаган бўлсада МНУП миқдори ДД да анча юқори бўлгани аниқланди [116].

СЮЕ билан касалланган беморларда қондаги НУПнинг юқори концентрацияси касалланиш, ўлим ва МНУП даражасининг ошишининг белгисидир, бу эса юрак-қон томир касалликларининг систолик ва диастолик дисфункцияси бўлган беморларни СЮЕ нинг клиник ва инструментал белгиларидан анча олдин аниқлаш имконини беради. НУП пайдо бўладиган миокард инфарктини, СЮЕ бошланишини ва ўлимни ривожланишини предиктори ҳисобланади [104].

Шу муносабат билан, Европа кардиология жамияти СЮЕ билан касалланган беморларни зарур текширувлар рўйхатида қондаги НУП ни лаборатория аниқлашни киритди [94]. Шундай қилиб, СЮЕ патогенезида нейрогуморал жараёнлар каскади САС, РААС ва бошқа нейрогормонларнинг фаоллашуви муҳим роль ўйнайди.

1.2. Сурункали юрак етишмовчилигини даволашга замонавий ёндашувлар

ААФ ингибиторлари. Сўнгги йилларда СЮЕда РААТ кучини пасайтириш учун ангиотензингаўзгартирувчи фермент (АЎФ) ингибиторлари ва АТ1 рецептори блокаторлари кенг қўлланилмоқда. АЎФ фаоллигини бўғиш йўли билан ва натижада РААТ ва калликrein-кинин тизими функционал фаоллигига таъсир этиш билан, бу фермент ингибиторлари ангиотензин II ҳосил бўлишини камайтирадilar ҳамда якунида РААТ фаоллашувидан келиб чиқадиган юрак-қонтомир воқеаларини кучсизлантирадilar, жумладан, артериал вазоконстрикция ва альдостерон синтезини ҳам [5,18,89, 224]. Тизимдаги барча артерияларда вазодилатация чақириб, умумий периферик томирлар

қаршилигини камайтириш билан бирга АЎФ ингибиторлари ЧҚга тушадиган юракдан кейин турган юкламани пасайтирадилар. Бунда юракнинг қон хайдаш фаолияти ҳамда СЮЕ мавжуд беморларда ҳаёт прогнози яхшиланади.

СЮЕ бор беморларда касалликдаги декомпенсациянинг барча босқичларида АЎФ ингибиторлари билан даволаш ҳақидаги энг кўп ахборот бир катор машҳур тадқиқотларда (SOLVD treatment, SOLVD prevention, V–HeFT II ва CONSENSUS) эълон қилинган эди.

Биринчи бўлиб ААФ ингибитори – эналаприлнинг СЮЕ бор беморлар ҳаёт прогнозига ижобий таъсири бир ыача тадқиқотларда намойиш қилинган эди. Шу нарса аниқ бўлдики, назорат гуруҳига нисбатан эналаприл билан даволанганлар гуруҳида ўлим холлари сезиларли кам учраган [127,146.].

ААФ ингибиторлари метаанализ натижаларига кўра СЮЕ клиник белгилари мавжуд бўлганида аёллар орасида ишонарли тарзда ўлим хавфи ва госпитализациялар сонини камайтирган, бироқ бу натижа эркаклар гуруҳига қараганда камроқ намоён бўлган [6,120.]. Шундай қилиб, АЎФ ингибиторлари билан узоқ муддат даволаш натижасида ЧҚ систолик дисфункцияли СЮЕда беморларда узоқ келажакдаги прогнози яхшиланган. Бу ҳолат ўлим холларининг, айниқса, СЮЕ III-IV ФС бор беморларда касалликнинг кун сайин кучайиб борадиган шаклида намоён бўлган. АЎФ ингибиторлари билан даволаш СЮЕ бор беморларнинг ёши, жинси, касаллик ФС ва этиологиясидан қатъий назар, касалхонага қайта-қайта ётқазишга эҳтиёжнинг кескин камайишига олиб келади. ЎЮҚТЕ экспертлари СЮЕ профилактикаси ва даволаш учун биринчи навбатда қўлланиши керак бўлган ААФ ингибиторларини тавсия қиладилар. Лекин шу билан, ушбу гуруҳ дорилариларига нојўя таъсир мавжуд бўлса, АРА вакилларини қўллаш имкониятини рад этмайдилар.

ЎМИни ўтказган беморларда СЮЕни профилактикаси учун каптоприл, рамиприл, трандолаприл, фозиноприл ва зофеноприл кабилар қўлланиши мумкин (тавсиялар синфи - I, исботланганлик даражаси - A). Бу натижалар машҳур тадқиқотлар бўлмиш - AIRE, SMILE и FAMIS, кабиларда аниқланган ҳамда ЎКСли беморларда турли АЎФ ингибиторлари СЮЕ ўткирлашуви ва ўлимни камайтириши намоёиш қилинган эди [4,27,28,39,84].PRE–AMI тадқиқотида периндоприл инфарктдан кейинги ЧҚРга ишонарли тўсқинлик қилиш қобилиятини намоёиш қилган эди, чунки бу йўл СЮЕ содир бўлишининг олдини олишдаги асосий механизм хисобланади [20,67]. EUROPA тадқиқотида периндоприл СЮЕ содир бўлиши хавфини 39 % га ишонарли камайтириб, бу кўрсаткич бўйича трандолаприл (–25%) ва рамипридан (–23%) устунлик қилган.

ААФ ингибиторларининг СЮЕни даволашда қўллашнинг асосий нуқталари: АПФи ЧҚ ОФ пасайган СЮЕ мавжуд барча беморларда қўлланиши лозим; АПФи клиник симптоматикани, ҳаёт сифатини яхшилайдилар, касалликнинг муттасил кучайиб боришини секинлатадилар, касалланишнинг олдини олиб, СЮЕ бор беморлар прогнозини яхшилайдилар, декомпенсацияни клиник жихатдан яққол намоён бўлишининг олдини оладилар; СЮЕ илк босқичларидан тортиб, ЧҚнинг симптомсиз дисфункцияси даврида ҳам, то касалликнинг сўнгги босқичларигача самарадордирлар; даволаш қанча эрта бошланса, шунчалик кўпроқ натижага эришилади ва бемор умри узаяди; АПФи тавсия этмаслик оқлаб бўлмайдиган ҳолат бўлиб, декомпенсацияга учраган беморларни билиб туриб, ўлимга бўлган хавфини оширишга олиб келади. Шундай қилиб, ААФ ингибиторлари СЮЕ I–IV ФС бор ва ЧҚ ОФ <40 % бўлган беморларнинг барчасида ўлим хавфи ва такроран касалхонага ётишларни

камайтириш ҳамда бемор клиник ҳолатини яхшилаш учун қўлланиладилар; II–IV ФСда эса бета блокаторлар ва минерал ортикоид рецепторлари билан биргаликда қўлланиши кўрсатилган.

АП рецепторлари антагонистлари (АРА). РААТнинг иккинчи синф антагонистлари – АП рецепторлари селектив антагонистлари пайдо бўлиши АПФ ингибиторлари СЮЕ декомпенсациясини даволашдаги ўз ўринларини мустаҳкам эгаллаб бўлганларидан сўнг содир бўлди. СЮЕни даволашда ААФ ингибиторлари барча беморларга кўрсатмаларга асосланиб қўлланишини инобатга олсак, «ААФи асри»да декомпенсацияга учраган беморларда АРА гуруҳидаги дорилар қўллашнинг ҳақиқий имкониятларини ўрганиш мақсадида плацебо-назоратли тадқиқот ташкил қилиш амри маҳол эди. Декомпенсация давридаги беморларда ўтказилган ELITE II тадқиқотида лозартан прогнозга таъсири жиҳатида каптоприлдан қисман ва ишончли бўлмаган кучсизлигини ва ножўя таъсирларининг камлигини намоён қилган [33]. Ушбу тадқиқот ҳамда ЎМИни даволаш билан боғлиқ бўлган тадқиқотларда лозартаннинг нисбатан самарадорсизлиги (ААФи вакили каптоприлнинг юқори дозаси–150 мг/сут билан солиштирилганда) ушбу текширувда унинг етарлича дозада (50 мгдан кунига 1 маҳал) қўлланилмагани сабаб бўлгани кўрсатилган [39,101]. 2009 йилда СЮЕда АРА турли дозаларининг самарадорлиги илк бор ўрганилган, ўта муҳим HEAAL [130] тадқиқоти якунланди. Шунда СЮЕ бор беморларида лозартаннинг 150 мг/сут дозасини унинг 50 мг/сут дозаси билан қиёсланганда ишонарли тарзда ўлим хавфи ва госпитализациялар сони камайдигани намоёниш қилинган эди. Ушбу тадқиқот АРА гуруҳи дори воситаларининг фақат оптимал дозаларидагина СЮЕ бор беморларда прогнознинг яхшиланиши мумкинлигини исботлаб берди. Далилларга асосланган энг асосий хужжатларга CHARM [240]

дастурига кирган учта тадқиқот натижалари киритилиб, уларда ЕКЖ тавсияларига мувофиқ ОФ камайган ёки сақланган СЮЕ мавжуд беморларда АРА вакили кандесартаннинг самарадорлиги ва хавфсизлиги ўрганилиб, кандесартан плацебо билан таққосланганда ОФ 40%дан камайган ва ААФи воситасини қабул қила олмаган СЮЕ мавжуд беморларда ўрганилган эди. Ушбу тадқиқотда АРА вакили кандесартан бирламчи сўнгги нукта кўрсаткичларини (ўлим ҳамда СЮЕ кучайиши туфайли госпитализациялар) ишонарли тарзда 23 %га камайтиргани холда, ўлим кўрсаткичини ишонарли таъсир қилмагани кўрсатилган [102]. Бу дастурининг ретроспектив тахлили шуни кўрсатдики, пасайган ОФ бўлган СЮЕ мавжуд беморларни кандесартан билан даволаш фониди ўлим ва госпитализациялар сонини ишонарли тарзда камайтганини намоёни қилинди.

Шундай экан, бир қатор АРА вакиллари – кандесартан, валсартан ва лозартан АЎФи воситаларини қабул қила олмаган беморларда СЮЕни даволаш учун қўлланиши мумкин, деб ишонч билан айтса бўлади.

Бета-адреноблокаторлар. Маълумки, СЮЕ мавжуд беморларда салбий прогнозга сабаб бўлувчи ва сурункали фаол ҳолатдаги симпатик-адренал тизимни блокада қилиш мақсадида бета-адреноблокаторлар СЮЕда қўлланилади. СЮЕ оғирлашуви билан симпатик-адренал тизим ҳолати ҳам кўтарилиб бораверади ва норадреналин миқдори ошии натижасида тўсатдан ўлим ҳавфи, ҳамда оғирлашув сабабли содир бўлувчи ўлим ҳавфини ҳам ишонарли тарзда ортишига олиб келади. Бета-адреноблокаторларнинг қўллашнинг асосий мақсади – СЮЕ беморларда прогнозни яхшилаш ва тўсатдан содир бўлувчи ўлимни камайтиришдир. СЮЕда бета-адреноблокаторлар касаллик ривожланиши ва оғирлашиши кучайиб боришига

масъул бўлган РААТ, эндотелин ва цитокинлар тизими каби бир қатор нейрогормонал тизимларга блокловчи таъсир кўрсатадилар. Бета-адреноблокаторлар нафақат β -адренергик рецепторларига таъсир ўтказадилар, балки комплекс нейрогормонал модуляторларга таъсир кўрсатиб, ААФи воситалари таъсирларини кучайтириб берадилар. Бета-адреноблокаторлар прогнозни яхшилаш билан бирга юракнинг ремоделлашуви даражасини камайтирадилар, яъни кардиопротекторлик вазифасини бажарадилар. Бу эса ўз навбатида декомпенсациянинг кучайиб боришини секинлатади ва госпитализациялар сонини камайтиради [36,115].

Ҳозирги вақтда СЮЕ да ОФ 40 % дан камайган 20 мингдан ортиқ беморларда ўтказилган 30 дан ортиқ плацебо-назоратли тадқиқотлар якунига етган бўлиб, уларда бета-адреноблокаторлар декомпенсацияси бўлган беморларда ўлим кўрсаткичини 29 %га камайтирганлиги кўрсатилган. Бу хатто АЎФи қўлланилган ҳолатлардан ҳам кўпроқни ташкил қилади [21,75].

СЮЕни даволашдаги секин ажралиб чиқувчи метопролол сукцинатнинг юқори самарадорлигини исботловчи ўта ишонарли маълумотлар кўпмарказли рандомизирланган плацебо-назоратли тадқиқотда олинган бўлиб, бу текширувга СЮЕ ФС II-IV ва ЧҚ ОФ 40% дан кам беморларда дори таъсиридан ўлим кўрсатичи 38 %га камайди ва бу СЮЕ кечиши ва прогнозини унинг этиологияси ва оғирлигидан, беморлар ёши ва жинсидан қатъий назар, яхшилаши исботланди ва метопролол-CR/XL билан даволаш хавфсиз эканлиги аниқланди [50].

Дилатацион кардиомиопатия ва ЮИК мавжуд бўлган беморлар иштирокида ўтказилган CIBIS тадқиқоти бисопрололнинг қўлланиши ўлимни 20%га камайтиришини кўрсатди, лекин олинган маълумотлар тахлилига кўра

CIBIS-II икки плацебо-назоратли тадқиқоти СЮЕнинг ФС III-IV ва ЧҚ ОФ си 35% дан паст беморларда бисопролол билан даволанган беморлар гуруҳида умумий ўлим кўлами 34% га, қўққисидан содир бўлувчи ўлим кўлами эса 44 %га камайганини кўрсатди ва СЮЕ II–III ФС мавжуд бўлган беморларда ўтказилган CIBIS–III тадқиқотида даволашни бета-адреноблокаторлар бисопролол (6 ой мобайнида) билан бошлаб, кейин эналаприл комбинацияда берилишининг, умумқабул қилинган услуб бўлмиш – ААФи вакили эналаприлдан бошлаб кейинчалик бета-адреноблокаторлар комбинациясига ўтказиш услубидан ёмон эмаслиги, самарадорлиги ва хавфсизлиги аниқланди [105].

Қўшимча равишда томирлар эндотелийида азот оксиди синтезига таъсир қилувчи селектив бета-адреноблокаторлар вакили небивалолни қўллаб, ёши 70 дан ўтган СЮЕ мавжуд беморларда тадқиқот ўтказилди ва бунда умумий ўлим ва госпитализациялар сонининг ишонарли тарзда 14%га ва умумий ўлимни 12%га камайдигани натижаси олинди [98]. Бета-адреноблокаторлар билан ўтказилган барча бошқа тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, бу текширувдаги СЮЕ бўлган беморлар ёши анча юқори бўлиб, уларнинг $\frac{1}{3}$ қисмида ЧҚ ОФ 35% бўлган беморларда небивололни СЮЕни даволашда ишлатиладиган бошқа бета-адреноблокаторлар билан солиштириш учун, нисбатан «ёшроқ» тоифадаги беморлар (70–75 ёшликлар)да қўшимча равишда таҳлил қилинганда, бирламчи якуний нукта кўрсаткичларининг 27%га, умумий ўлим кўрсаткичининг 38%га камайдигани аниқланди. НЕМЕЗИДА номли, кўпмарказли рандомизирланган тадқиқотда метопрололнинг ЮУС, АБ ва ЧҚ ОФ сини назорат қилишдаги самарадорлиги метопрололдан кам эмаслиги кўрсатилди; небиволол қўшимча равишда юрак зарбига оғирлик тушурувчи аорта ичи босимини камайтириб,

юрак чап бўлимларига енгиллик яратиши тасдиқланди. Карведилолнинг СЮЕ бор беморларда келажакдаги прогнозни яхшилаши ҳам маълум. Унинг кардиопротектив таъсири бир қатор рандомизирланган плацебо-назоратли тадқиқотларда намоён этилган. АҚШда СЮЕ II-IV ФСда 3Ф 35%дан кам бўлган беморларда карведилол билан ўтказилган текширувлардан 4 таси баённомаларининг тахлили ўлим хавфи 65 % га камайганини кўрсатди, зўрайиб боровчи юрак етишмовчилигидан содир бўлувчи ўлим хавфи -79 %га, тўсатдан ўлим – 55 %га, госпитализациялар сони эса – 27 %га камайган экан. Ушбу тадқиқотда карведилолнинг СЮЕ бор беморларда прогнозни яхшилашининг тўлиқ исботи топилмаган эди [59,122].

Австралия ва Янги Зеландияда ўтказилган тадқиқотда, СЮЕ бор беморларда карведилолни 50 мг/сут дозада зўрайиб бораётган беморларда кўллаш тўсатдан содир бўлувчи ўлимни 8 %га, миокард инфарктдан ўлимни 21 %га, госпитализациялар умумий сонини - 23% га камайитириши кўрсатилган [49,91].

Плацебо-назоратли COPENICUS тадқиқотида камида 2 ой давом этаётган, оғир кечаётган СЮЕ бор ва ЧҚ ОФ 25% дае кам бўлган карведилолнинг таъсири ўрганилганда ўлим хавфини 35%га камайитиргани кузатилганди [29]. Шундан кейин ананавий даволашга карведилолнинг қўшиб берилиши, нафақат беморлар умрини узайтириши, балки СЮЕ оғир кечишини, касаллик кучайиб боришини, госпитализациялар сони ва оғир клиник асоратларни камайтиради, деган ҳулосага келинди.

CAPRICORN рандомизирланган тадқиқоти 3-21 кун аввал ўМИ ўтказган беморларда карведилолни 25 мгдан кунига 2 марта қабул қилиниши беморларда умумий ўлим сонини 23 %га ишончли тарзда камайитириши исботланган. Бу

дори воситасининг инфарктдан кейинги ремоделлашув жараёнлари тезлигини секинлатиши CHAPS тадқиқотида ҳам тасдиқланган [66,141]. CHRISTMAS номли рандомизирланган кўпмарказли тадқиқотида ҳам карведилолнинг гибернацияга учраган бўлган миокардга таъсири намоёиш қилинган бўлиб, бунда ЮИК туфайли содир бўлган муқим СЮЕ бор, ЧҚ ЗФ 30 %га тенг бўлган беморлар иштирок этган эди. Олдиндан миокард гибернацияси мавжуд бўлган асосий гуруҳ беморларида ЧҚ ЗФнинг 3,6 %га ортгани, олдиндан миокард гибернацияси мавжуд бўлмаган беморларда эса бу кўрсаткич 2,9%га ортгани кузатилган [49,91].

Икки томонмали рандомизирланган халқаро COMET тадқиқотида СЮЕ ФС II-IV бор беморларда карведилол ва метопролол тўғридан тўғри солиштириб ўрганилган ва унинг асосий натижаси шундан иборат бўлдики, унда метопролол- тартрат қабул қилган беморларга қараганда карведилол қабул қилган беморларда ўлим хавфининг 17 %га кам учрагани кузатилди.

Шундай қилиб, тўртта энг муваффақиятли тадқиқотлар кўп марказли тадқиқотларга асосланиб, бета-адреноблокаторлар рецепторлар турига таъсири ва вазодилатация чақириши борасида СЮЕ бор беморларда ўлимни деярли бир хил камайтиришларини кўрсатдилар [39,100]. Ундан ташқари, бисопролол, карведилол, метопролол сукцинат ва небиволлолларнинг барчаси тўсатдан ўлимни ҳам, СЮЕ кучайиб боришидан содир бўладиган ўлимни ҳам ва госпитализациялар сонини ишончли тарзда камайтирганлар.

Минералокортикоид рецепторлари антагонистлари (МКРА). СЮЕда иккиламчи альдостеронизмнинг салбий ўрни бўлиб, минералокортикоид гормони альдостероннинг юқори даражаси танада сувнинг ушланиб қолиши ва электролит дисбалансини кучайтириши ҳамда танада натрийнинг ушланиб

қолиши ва калийнинг йўқотилиши билан боғлаб келинар эди. Ўтган асрнинг 90-йиллари ва XXI асрнинг бошларидаги тадқиқотларда, СЮЕда гиперальдостеронизмнинг негатив роли нафақат танада сувнинг ушланиб қолиши ва электролит дисбалансига боғлиқ бўлмай, балки миокардда фиброз ривожланиши, юрак функцияларининг кучайиб борувчи ёмонлашуви, ҳаёт учун хавфли аритмиялар пайдо бўлиши ва коронар етишмовчилигига олиб келиши тасдиқланган эди. Альдостерон синтезини ААФи ва бета-адреноблокаторлар бирга қўллаш ёрдамида самарали блокада қилиб бўлмаслигини инобатга олган ҳолда, учинчи нейрогормонал модулятор сифатида СЮЕни узок муддатли даволашда минералокортикоид рецептори антагонистларини кичик дозаларини қўллашга бўлди ва RALES тадқиқотида илк бор СЮЕ III–IV ФС мавжуд беморларда, улар қабул қилаётган, ААФи ва 10 % беморлар бета-адреноблокаторлар ичаётгани каби оптимал даво фонида, МКРА вакили спиронолактоннинг 12,5–50 мг/сут дозасини (ўртача 27 мг) қўлланиши кўрсатдики, ўлим хавфи ҳам тўсатдан ва декомпенсация кучайиши туфайли ҳам ўлимни 27 %га ишончли тарзда камайтирди. Бу тадқиқот бир вақтда 3 та нейрогормонал модуляторларни биринчи бор ўрнини СЮЕ III–IV ФС мавжуд беморларда қўллашнинг асосланиши эди [78]. Клиник амалиётда янги юқориселектив минералокортикоид рецептори антагонисти эплереноннинг пайдо бўлиши билан вазият ўзгарди. Спиронолактонга солиштирганда у андроген ва прогестерон рецепторларига таъсир ўтказмай, гинекомастия, хайз кўриш цикли бузилишлари чақирмайди ҳамда буйрак функцияларини бузилиши ва гиперкалиемиyani чақирмайди. Биринчи катта тадқиқот бўлмиш EPHESUS текширувида ўМИни бошдан кечирган ва ЧҚ дисфункцияси ва СЮЕнинг 90 % белгиларига эга бўлган беморларда эплереноннинг 25–50 мг/сут дозада

берилиши умумий ўлим кўрсаткичини 15 %га ва тўсатдан бўладиган ўлимни 21 %га камайтиргани намоёниш қилинди. Эплеренонни ўртача 21 ой давомида СЮЕ II ФС OF 35% паст беморларда учинчи нейрогормонал модулятор сифатида бирламчи сўнгги нуқтанинг ЮҚТКдан ўлим билан СЮЕ зўрайиши билан боғлиқ госпитализациялар сони 37 %га ва умумий ўлим кўрсаткичини 24 фоизга камайтгани кўрсатилди. Эплеренон СЮЕни узоқ муддатли даволашда ҳам аъло даражада таасирот қолдириб, декомпесациялар кучайиши туфайли бўладиган госпитализациялар хавфини 42 %га камайтирган. Шунинг учун спиронолактонни қўллаш учун кўрсатма сифатида яққол намоён бўлган СЮЕ III–IV ФС ҳамда қон айланишининг ўткир бузилиш ҳолатлари ҳисобланиб, қачонки бу дори воситаси юқори дозаларда қўлланилади. СЮЕда, II ФС дан бошлаб, ва ЎМИ ўтказган беморларда ЧҚ дисфункцияси мавжуд бўлса, юқориселектив эплеренонни 25–50 мг/сут дозада қўллаш муҳим кўрсатма ҳисобланади. МКРАларининг яна энг муҳим хусусиятларидан бири - уларнинг миокардда фиброз ривожланишини камайтириб, юрак ремоделлашувига тўсқинлик қилишидир [41].

Сакубитрил/валсартан. 2016 йилда кардиологлар имконида янги препарат пайдо бўлиб, бу неприлизин ингибитори ва ангиотензин-II рецепторлари блокаторининг комплекси бўлган сакубитрил/валсартандир. Неприлизин мембрана ферменти бўлиб, асосан натрийуретик пептидларнинг парчаланишида иштирок этади ва унинг ингибирланиши, ўз навбатида, бу пептидлар даражасининг ошишига олиб келади, ҳамда дезадаптив нейрогормонал фаоллашувга қаршилик қилади. Бу ўз навбатида организмда натрий ва сувни ушланишига ёрдам беради, вазоконстрикциядан ва тўқималарни ремоделланишидан сақлайди [109]. РААТ ва неприлизинни бир вақтда

ингибирлаш нейрогормонал мувозанатнинг мақбул даражасига эришиш, систолик дисфункцияси бўлган юрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг клиник ҳолатини барқарорлаштириш ва яхшилаш имконини беради. Бу дори воситаси бўйича ўтказилган PARADIGM-HF проспектив рандомизацияланган тадқиқотда ўз натижасини кўрсатди. Сакубитрил / валсартан СЮЕ II—III ФС систолик дисфункцияси бўлган, диуретикларнинг дозасини икки баравар оширишни талаб қилмайдиган беморларга тавсия этилади ва систолик қон босими 100 мм.сим.уст.дан юқори, ААФ ингибиторлари ёки ангиотензин рецепторлари антагонистларига толерантлиги бўлган беморларга, СЮЕ ёмонлашиши туфайли ўлим ва кейинги касалхонага ётқизиш хавфини янада камайтириш учун тавсия этилиши бу тадқиқотда тасдиқланди. PARADIGM-HF тадқиқотида сакубитрил/валсартан енгил ва ўртача оғирликдаги ЧҚ ОФ пасайган беморларда эналаприл билан қиёсланганда ўлим ва қайта касалхонага ётқизишлар сонини сезиларли даражада камайтириши кўрсатилган. Неприлизиннинг биологик таъсири бу бир қатор биологик фаол пептидларни, шу жумладан натрийуретикларни парчалаш бўлиб, бу ўз навбатида сакубитрилни қўллаш буйракларда қон оқимининг, коптокчалар фильтрация тезлигининг ва натрийурезнинг ошишига олиб келади. Шу билан бирга, сакубитрил / валсартаннинг буйраклар функциясига нисбатан ҳимоя хусусиятлари ушбу препаратнинг СЮЕ кечишига нисбатан самарадорлигига, шунингдек, гликирланган гемоглобин даражасига боғлиқ эмас.

PIONEER-HF тадқиқоти Эналаприл билан солиштирганда сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда сакубитрил / валсартанни қўллашни ўрганиб, препаратни 8 ҳафта иккиланма кўрона даврда олган беморлар уни қабул қилишни давом эттирдилар ва илгари эналаприл билан даволанган

беморлар комбинацияланган терапияга ўтдилар. Олинган маълумотлар ўткир декомпенсацияланган СЮЕда гемодинамикани барқарорлаштиргандан сўнг дарҳол стационар босқичда СЮЕ билан касалланган беморларга комбинацияланган терапияни буюришнинг афзалликларини тасдиқлади: сакубитрил / валсартаннинг ўлим, қайта касалхонага ётқизишни ўз ичига олган клиник якуний нуктасида бу дори воситасининг 8 ҳафталик қўллаш эналаприл билан солиштирганда 46% га хавфнинг камайишини кўрсатди, амбулатор босқичда беморларнинг эналаприлдан комбинацияланган терапияга кейинги ўтиши қидирувнинг комбинацияланган клиник якуний нуктаси ҳодисаларини 33 % гача ҳодисаларининг пайдо бўлиш эҳтимолининг пасайиши билан бирга келди. Шунингдек, беморлар амбулатор босқичда эналаприлдан сакубитрил / валсартаннинг ўтказилганда NT-proBNP даражаси 35,8% га пасайиши аниқланди.

Ивабрадин. Ивабрадин синус тугуни хужайраларидаги If-каналининг селектив блокатори бўлиб, антиангиал таъсирга ҳам эга . Ивабрадин таъсирларини ўрганишдаги муҳим саҳифа - BEAUTIFUL тадқиқоти бўлди. Тадқиқотга киритилган 11000 та ЮИК мавжуд беморларда ЧҚ ОФ<40% бўлиб, уларнинг 84%ида СЮЕ II–III ФС белгилари бор эди. BEAUTIFUL тадқиқотида тасдиқландики, текширилувчиларнинг 90%и РААТ-блокаторлари ва деярли 90%и β -АБ қабул қилишига қарамай, ЮИК ва ЮУС 70 та/дақ бор бўлган беморлар ишончли тарзда юқори бўлган ўлим(34 %га), ўМИ ва СЮЕ ўткирлашуви (53 %га) хавфига эга бўладилар. СЮЕ мавжуд бўлган беморларда уларнинг ўртача ЮУС 78 та/ дақ бўлганида, ивабрадинни β -АБ билан комбинацияда берилиши ўлим ва СЮЕ ўткирлашуви олдини ишончли тарзда камайтира олмади (ивабрадин қўшиб берилганида ўлим хавфи 16 %гагина

камайди) [126]. Лекин ЮУС ўртача 70 та/дақ дан юқори бўлган беморлар гуруҳида коронар асоратларининг ишончли тарзда камайгани кузатилди.

Декомпенсацияга эга бўлганларда If-каналлари блокаторларининг ҳақиқий тутган ўринларига аниқлик киритиш учун SHIFT тадқиқоти ўтказилди. Унда 6500 та ишемик ва ноишемик сабаблардан содир бўлган СЮЕ, синус маромида ЮУС 70 та/дақ дан кўп бўлган (уларнинг 90 %и ивабрадинни β -АБ билан бир вақтда қабул қилганлар) беморларда ЮҚТ касалликларидан содир бўлувчи ўлим хавфининг умумлашган нуқтаси ҳамда СЮЕ ўткирлашуви туфайли содир бўлувчи госпитализацияларига таъсири ўрганилди. Тадқиқот натижалари ЮҚТ ўлими билан СЮЕ туфайли госпитализациялар сонини ишончли тарзда 18 %га камайтиргани, СЮЕ туфайли содир бўлувчи ўлим хавфини ҳамда декомпенсация ўткирлашуви туфайли госпитализациялар сонини ишончли тарзда 26 %га камайтирганини намоиш қилди. SHIFT [56] тадқиқотига киритилган, текширув бошида ЮУС 75 та/дақ дан юқори бўлган, беморларда ўтказилган ретроспектив таҳлилга биноан, ивабрадин умумий ва ЮҚТ касалликларидан содир бўлувчи ўлим хавфини ишончли тарзда камайтирган (17% га) тасдиқланди. ЮТЕЖ экспертлари фикрларича, SHIFT тадқиқоти талаб ва натижаларига мос равишда қўлланилганида, ивабрадин СЮЕ II–IV ФС, ЧҚ ЗФ<40 % бўлгани холда ва синус маромидаги ЮУС>70 та/дақ бўлганида, ўлим ва СЮЕ туфайли содир бўлувчи госпитализациялар хавфи даражасини камайтириш учун, асосий давога қўшимча равишда (β -АБлар билан биргаликда) қабул қилиниши лозим деб ҳисоблайдилар [113].

Зарурият пайдо бўлганида қўлланиладиги дори воситалари.

Диуретиклар. СЮЕ патогенезида буйраклар муҳим рол ўйнайдилар, чунки улар сув-электrolит балансини мувозанатда ушлайдилар ва ўзларидан РААТнинг бош компонентларидан бири – ренинни ишлаб чиқарадилар.

Диуретиклар буйрак каналчаларида натрий ва сувнинг катта миқдорда реабсорбция бўлишига тўсқинлик қиладилар ва СЮЕ бор беморлар ахволининг, юракдаги патологик жараёнга таъсир қилмасаларда, сезиларли симптоматик енгиллашувга олиб келадилар [67].

Диуретиклар – танада сув ушлаб қолинишини назорат қила олувчи дориларнинг ягона синфи ҳисобланадилар. Диуретиклар (сийдик хайдовчи воситалар) СЮЕ бор беморларда шиш синдроми бартараф этувчи ва бемор ахволини енгиллаштирувчи восита сифатида қўлланиладилар. Қовузлоқли (петлевые) диуретиклар оптимал дозасини танлаш СЮЕни даволашда қўлланиладиган бошқа ДВларини муваффақиятли қўллашда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Диуретиклар ўрнига ААФи воситаларини қўллашга уриниш катта ва кичик қон айланиш доирасида қон димланишига олиб келиши мумкин. Халқасимон диуретиклар (фуросемид, этакрин кислотаси, буметанид, торасемид) – энг самарали сийдик хайдовчи ДВларига кирадилар. Шундай экан, фуросемидга (ёки торасемидга) кўникиш пайдо бўлиб, самарадорлиги сусайганда «диуретикка моне беморлар»ни вақтинчалик этакрин кислотаси қабул қилишга ўтказса бўлади. Фуросемидга ўхшаб этакрин кислотаси қисқа бўлган “яримчиқарилиш” даврига эга бўлгани учун ноқулайлиги бор ва кунига камида 2 маҳал қабул қилинишни талаб қилади. Фуросемид ва этакрин кислотасидек диуретик хусусиятлар буметанидда (старт дозаси 0,5–1,0 мг, максимал дозаси – 10 мг гача) ҳам бор, бироқ у энг қисқа таъсир қилувчи халқасимон диуретик ҳисоблангани учун СЮЕни даволашда етарли асосларга

эга эмас.

Торасемид хозирги вақтда энг самарадор ва хавфсиз халқасимон диуретик хисобланиб, оптимал фармакокинетик профилга эга бўлиб, бошқа халқасимон диуретикларидан ажратиб турувчи, асосий ижобий таъсирларидан бири, унинг яна бир таъсири бўлмиш РААТини блокада қилишидир. Торасемиднинг ўз дозасига боғлиқ бўлган, АП томонидан кальцийнинг хужайрага киришининг кучайтирилишининг акси бўлган, бўғувчи таъсири исботланган. Бир қанча тадқиқотларда торасемиднинг аксилальдостерон таъсири кўрсатиб ўтилган бўлиб, унда миокард фиброзининг ишончли тарзда камайиши ва миокарднинг диастолик хусусиятлари яхшилангани аниқланган. Ундан ташқари препаратнинг антиадренергик таъсирлари ҳам маълум бўлган. Шундай қилиб, торасемид нафақат СЮЕнинг белгиларини бартараф этувчи, балки касалликнинг кучайиб бориши ва юрак мушагидаги патологик жараёнларга таъсир қилувчи биринчи диуретик хисобланади. Яқинда ўтказилган тадқиқотларда торасемиднинг ЧҚ ремоделлашувига таъсир қилиб, коллагеннинг парчаланиш маркери муносабатини яхшилар экани тасдиқланган. Ундан ташқари, торасемиднинг қўлланишидан фаол диуретик даволашнинг энг нохуш камчиликлариндан фориғ бўлиб, асл сийдик хайдаш таъсири кучайишадир. Фуросемид билан қиёсий ўтказилган, назоратли тадқиқотларда торасемид ўзининг юқори клиник самарадорлигини ва яхши қабул қилинишини намоён этиб, СЮЕ туфайли бўладиган такроран госпитализацияларни камайтириш қобилиятини кўрсатган. [16]. ДУЭЛЬ тадқиқотида торасемид компенсацияга зришиш тезлиги жихатидан фуросемиддан устунлигини кўрсатиб, ижобий таъсири кучлироқ бўлгани ҳамда минимал миқдорда ножўя, жумладан метаболик ва элоктролитларга оид, таъсирларини намоён қилган

бўлса, TORIC тадқиқотида торасемид СЮЕ бор беморларда прогнозга ижобий таъсир қилишини намоёиш этиб, ушбу замонавий диуретикни танлаш воситаси сифатида қабул қилишни, айниқса клиник ёрқин намоён бўлган касаллик зўрайишини даволашда тавия этилади [127].

Юрак гликозидлари. Энг биринчи йирик рандомизирланган тадқиқотлардан бири DIG тадқиқоти бўлиб, унда “кўринмас” услуб билан дигоксин билан узоқ муддатли даволашнинг ўлимга, СЮЕ мавжуд бўлган беморлар госпитализациялари сонига таъсири ўрганилган. DIG тадқиқоти натижаларини ретроспектив таҳлил қилинганда, дигоксин билан даволанган беморлар гуруҳида ўМИ жуда кўп учрагани маълум бўлган. Дигоксин СЮЕ мавжуд бўлган беморларнинг госпитализацияга бўлган эҳтиёжларини сезиларли тарзда камайтирган, декомпенсация ривожланиши хавфини камайтиргани ҳолда ҳаёт прогнозига таъсир қилмаган. ЧҚ дисфункциясининг систолик шакли мавжуд беморларни узоқ муддатли даволашнинг самарадорлиги ва хавфсизлиги аниқланган эди. СЮЕнинг қоринчалар аритмияси билан асоратлангани ёки ўМИ мавжуд беморларни даволашда эҳтиёткорлик талаб қилинади, чунки дигоксин миокарднинг қисқарувчанлигини кучайтириб, кислородга бўлган эҳтиёжини оширади ва инфарктдан кейинги юрак систолик дисфункцияси бор беморларда гибернация ҳолатидаги миокардга салбий таъсир кўрсатади. AFFIRM тадқиқотининг ретроспектив таҳлили кўрсатдики, СЮЕ бор бўлмасада БФ мавжуд беморлар дигоксин қабул қилишлари ва прогноз ўртасида ҳеч қандай ишончли тарздаги боғлиқлик топилмади. Унча катта бўлмаган, лекин проспектив тадқиқотда дигоксин билан даволанган, декомпенсацияланган СЮЕ мавжуд беморлар орасида ўлим хавфининг ишончли тарзда пасайгани намоёиш этилди. Шундай қилиб, янги проспектив назоратли тадқиқотлар ўтказулганига

қадар қуйидаги тавсияларга амал қилиш лозим дигоксин II–IV ФСК, ЧҚ ОФ 40% дан паст бўлиб, БФ мавжуд бўлган барча беморларга ритмни секинлатиш ва тартибга солиш мақсадида ҳамда прогнозни яхшилаш ва госпитализациялар хавфини пасайтириш эҳтимоли борлиги учун, тавсия этилиши лозим. Дигоксиннинг қўлланиши, яққол намоён бўлган СЮЕ III–IV ФС, ЧҚнинг пасайган ОФ 25 фоиздан паст бўлган ва юрак ўлчамлари ва хажми катталашган беморларда самарали эканлиги итасдиқланган.

Омега-3 яримтўйинмаган ёғ кислоталари эфирлари. ЮҚТ касалликларини даволашда политўйинмаган ёғ кислоталарини қўллаш энг тортишувга сабаб бўлаётган масалалардан хисобланади. Сўнгги йиллардаги мета-анализлар ва проспектив тадқиқотлар натижаси БФ профилактикасида ва ЮҚТ касалликларининг, қандли диабет билан биргаликдаги, бирламчи профилактикасида балиқ ёғи ва «денгиз» омега политўйинмаган ёғ кислоталари таркибида бўлган дориларнинг бирорта яққол самараси борлигига умид қилишга имкон бермаслиги маълум бўлди. Бироқ бир нечта йирик рандомизирланган тадқиқотларда ЎМЙни бошдан кечириб, СЮЕ II–IV ФСнинг яққол намоён бўлган сиптомлари бўлган беморларнинг «тайёр» шакл билан даволангалари унинг сўнгги қаттиқ нуқталарга таъсири натижалари маълум. Ушбу «тайёр» шакллар таркибида узун занжирли омега-3 политўйинмаган ёғ кислоталари мавжуд бўлиб, уни қабул қилиш 72 соатдан кейин хужайра мембранасида ω -3 ПНЖК индексини ишончли тарзда ошириши бир қатор натижаларга олиб келиб, уларнинг энг асосийси - экспериментал тадқиқотларда кўрсатилганидек, антиаритмик таъсир бўлади. GISSI-P номли энг йирик тадқиқотда бу дорини 1 г/кунига қабул қилиниши умумий ўлим хавфини 41 %га ишончли тарзда камайтирган ва бу самара дорининг антифибриллятор таъсири

ва аритмик ўлим хавфининг 45%га камайгани билан боғлиқ бўлди. Давони яна давом эттирилиши беморлар прогнозига таъсир қилмади ва ҳолат яққол намоён бўлган антифибриллятор таъсиридан бўлди деб ҳисоблашга имкон берди. Бу таъсир ЎМИни бошдан кечирган беморларда ЧҚ ОФ қанчалик паст бўлса шунчалик кўп намоён бўлди. ЎМИдан кейинги дастлабки 14 кун давомида омега 3 ни қабул қилиниши ўлим хавфининг ишончли тарзда 32 фоизга камайтирди, 90-кунгача берилгани ўлим хавфининг 22 фоизга камайтирди. GISSI–HF номли кўпмарказли плацебо-назоратли тадқиқотда СЮЕ бор беморларда омакорнинг 1 г/кунига узоқ вақт давомида қўлланиши умумий ўлим хавфини 9 %га ҳамда шифохонага қайта ётишни 8 %га камайтирган. Ретроспектив таҳлил кўрсатдики, омакор қабул қилган беморларда юрак ритми бузилиши сабаб бўлган ўлим ва госпитализациялар сони камайган ва ЧҚ ОФ 1,6 %га ортгани кўрсатилган [83].

Орал антикоагулянтлари. Юрак бўшлиқларида тромб борлиги исботланганда варфарин қўллаш тавсия этилади, айниқса ИККС ва ЧҚ аневризмаси мавжуд бўлганида. ЧҚ 3Ф пасайган СЮЕ бор беморларда, синус мароми бўлиб, юрак бўшлиғида тромб аниқланмаса варфарин берилмайди. Чунки бунда касалланиш ва ўлим кўламига таъсир қилмагани ҳолда қонаб кетиш хавфи ортиши мумкин. Бу соҳадаги ягона тадқиқот бўлмиш WARCEF [150] да синус маромли СЮЕ мавжуд беморларда ўлим хавфини пасайтиришда варфариннинг аспириндан устунлиги аниқланмаган. Агар варфариннинг қўлланиши инсульт содир бўлиши хавфини ишончли тарзда 48 %га камайтирсада, бу қонаб кетиш хавфининг ўсиб кетиши ҳисобига содир бўлган. Аммо қўшимча таҳлил варфариннинг ёшга мувофиқ самарадорлигида сезиларли тафовут мавжудлигини аниқлади. Хусусан, ёши 60 дан кам бўлган, СЮЕ бор

синус маромилик беморларда варфарин, аспирин билан таққослаганда, бирламчи нукта (ўлим ёки инсульт) хавфини ишончли тарзда 37 %га ва ўлимнинг ўзини 35 %га камайтириб, ишонарсиз тарзда қонаб кетиш хавфини оширган. Шундан келиб чиқиб, варфарин 60 дан ёшроқ, СЮЕ бор беморларда, синусли маром бўлса, юракичи тромблари бўлмаганда ҳам тавсия қилиниши мумкин, десак бўлади. БФда барча СЮЕ бор беморларга ОАКГ тавсия қилинади.

Шундай қилиб, XXI асрнинг биринчи декадасида ҳар қандай касалликни, хусусан СЮЕни даволаш «далилларга таянган тиббиёт» тамойилларига асосланиб ташкил қилинади. Бу дегани – кенг клиник қўллашга фақат самарадорлиги (шу жумладан беморлар прогнозига оид) ва хавфсизлиги узок муддатли кўпмарказли икки марталаб “кўринмас”, плацебо-назоратли тадқиқотларда исботланган дориларгина тавсия этилиши мумкин.


Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида амбулатор даволанган 35-60 ёшдаги 120 нафар СЮЕ мавжуд бўлган тиреотоксикоз билан касалланган беморлар текширилган ва уларнинг ўртача ёши $54,6 \pm 7,6$ ни ташкил этди. Беморлар Нью-Йорк кардиологлар Ассоциацияси (НУНА) таснифига асосан ФС бўйича гуруҳларга ажратилди: I ФС 21 (17,5%) бемор, II ФС 48 (40%) ва III ФС 51 (42,5%) бемор ташкил этди.

Барча беморларда, олти дақиқали юриш синамаси (ОДЮС), беморлар клиник ҳолати уни баҳолаш шкаласи (КХБШ) ёрдамида, юрак систолик ва диастолик функцияси эхокардиография (ЭхоКГ) усули билан «Phillips HD7 XE» (Нидерландия) ускунасида стандарт эхокардиографик позицияларда комплекс клиник асбобий текширувлар ўтказил. Қалқонсимон без функционал ҳолати гормонларни аниқлаш орқали баҳоланди. «Roche Diagnostics» (Швейцария) реагентлари ёрдамида «Cobas E411» (Япония) имунохемилюминесцент

анализаторида тиреотроп гормон (ТТГ), эркин Т4 миқдори, эркин Т3 ҳамда тиреотроп гормон рецепторига қарши антитаначалар, тиреопероксидага қарши антитаначалар даражаси аниқланди. Иммунофермент усули билан ELISA реагентлари (Германия) ёрдамида мия натрийуретик пептидининг NTproBNP аминотерминал қисми (МНУП) ва альдостерон (Ал) миқдорларини аниқлашда “HUMAREADER SINGLE” (Германия) аппаратида фойдаланилди. Прогнозни баҳолаш мақсадида охириги нуқталар сифатида 1 йилдан кейин қуйидаги кўрсаткичлар ўрганилди: қайта шифохонага ётишлар сони, нофатал ва фатал миокард инфаркти (МИ), ўлим кўрсаткичи.

Беморлар қабул қилган муқобил медикаментоз терапия қуйидагича эди: ангиотензин айлантирувчи фермент (АПФ) ингибиторларини 55% беморлар, неприлизин ингибитори/АРАлар - 45%, бета адреноблокаторлар - 100%, диуретиклар - 47,4%, спиронолактон - 30% ва эплеренон - 39,5% беморлар қабул қилдилар. Беморларни даволашда АПФ ингибитори лизиноприл ва сакубитрил / валсартаннинг қиёсий самарадорлигини ўрганиш мақсадида улар 2 гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳ (I) – 45 (45,5%) СЮЕ II ва III ФС бўлган беморлардан иборат бўлиб, улар 6 ой давомида оптимал даволашда лириноприл дори воситасини титрлаш йўли билан 5-10 мг гача қабул қилишди ва унинг кундалик ўртача дозаси $8,1 \pm 2,5$ мгни ташкил этди; иккинчи гуруҳ (II) -54 (54,5%) СЮЕ II ва III ФС бўлган беморлардан иборат бўлиб, улар 6 ой давомида оптимал даволашда сакубитрил/валсартан (АРНИ) дори воситасини қабул қилди. Гуруҳлар ёши, жинси ва ёндош касалликлар бўйича рандомизация қилинган эди (2.1-расм)

Беморлар клиник тавсифи



2.1.- расм. Тиреотоксикоз сурункали юрак етишмовчилиги билан коморбид келган беморлар клиник тавсифи

Тадқиқотга гипотиреоз, субклиник гипертиреоз, қандли диабет, буйрак касаллиги, гипертоник кризлар, юрак клапани касалликлари, мураккаб юрак аритмиялари бўлган беморлар киритилмаган.

ТЕКШИРУВ УСУЛЛАРИ

1. ЭКГ 12 та анъанавий тармоқлар.
2. СЮЕни ФС ва жисмоний юкламага толерантлик олти дақиқали юриш синамаси (ОДЮС) ёрдамида аниқланади. ОДЮС 1985йилда таклиф қилинган бўлиб, текширилувчи синов шартлари билан танишгандан сўнг 6 дақиқа давомида юра оладиган масофага асосланган(2.2-жадвал).

2.2-жадвал

Функционал синфга қараб ОДЮСни кўрсаткичлари

СЮЕ даражалари	ОДЮС масофаси, м
СЮЕ йўқ	>551
СЮЕ ФС I	426-550

СЮЕ ФС II	301-425
СЮЕ ФС III	151-300
СЮЕ ФС IV	<150

3. Беморларни клиник ҳолати В.Ю.Мареев томонидан 2000 йилда модификация қилинган клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ) орқали баҳоланди. Бу шкалада ҳам беморнинг асосий шикоятлари, ҳам СЮЕнинг яққол объектив симптомлари балларда баҳоланади.

2.3-жадвал

КХБШ кўрсаткичлари, Мареев модификацияси 2000й

1. Ҳансираш: 0 – йўқ, 1 – жисмоний зўриқишда, 2 – тинч ҳолатда
2. Охирги ҳафта давомида тана вазни ўзгардими: 0 – йўқ, 1 – ошган
3. Юрак фаолияти бузилишидан шикоятлар: 0 – йўқ, 1 – бор
4. Ётоқда қанақа ҳолатда ётиши: 0 – горизонтал, 1 – бошни баландроқ қилиб ётиш (2+ ёстикда), 2 – бўғилишдан уйғониб кетиш, 3 – ўтирган ҳолатда
5. Бўйин веналари бўртиши: 0 – йўқ, 1 – ётганда, 2 – тик ҳолатда
6. Ўпкада хириллашлар: 0 – йўқ, 1 – пастки қисмида (1/3қисмигача), 2 – кураккача (2/3қисмигача), 3 – ўпкани ҳамма юзасида
7. Галоп ритмининг мавжудлиги: 0 – йўқ, 1 – бор
8. Жигар: 0 – катталашмаган, 1 – 5см гача, 2 – 5см дан кўп
9. Шиш: 0 – йўқ, 1 – салқин, 2 – шишлар, 3 – анасарка
10. САБ даражаси: 0 – > 120, 1 – (100-120), 2 – < 100мм. с.у.

КХБШга киритилган барча пунктларни аниқлаш учун инструментал усуллардан фойдаланиш шарт эмас, барча саволларга жавобни анамнез йиғиш ва оддий физикал текширувлар ёрдамида олиш мумкин. Якуний натижа барча баллар йиғиндиси асосида шакллантирилади. Ҳаммаси бўлиб бемор максимал 20 балл тўплаши мумкин (терминал СЮЕ), 0 – балл СЮЕ йўқлиги белгисидир. КХБШ баллари қуйидагича мос келади: ФС I - ≤ 3балл, ФС II 4-6 балл; ФС III 7-9 балл ва ФС IV >9 балл (2.4-жадвал).

4. Миокарднинг структур-функционал ҳолати ва ЧҚни ремоделланиш жараёни доплерографияли ЭхоКГ ёрдамида баҳоланади. ЭхоКГ «Phillips HD7 XE» (Нидерландия) ускунасида 3,25МГц датчиклар қўлланган ҳолда стандарт эхокардиографик позицияларда, Америка Эхокардиография Ассоциацияси (ASE) томонидан тавсия қилинган трансоракал усул билан ётган ва чапга ёнбошлаган ҳолатда М- ва В- режимларда ўтказилади ЭхоКГ ўтказганда юракнинг қуйидаги структур параметрлари баҳоланди. Эхокардиографик текширувда (ЭхоКГ) ЧҚ охирги –диастолик ўлчами (ОДЎ), ЧҚ охирги-систолик ўлчами (ОСЎ), ЧҚ орқа девори қалинлиги (ЧҚОДҚ), қоринчалараро тўсик қалинлиги (ҚТҚ), чап бўлмача ўлчами (ЧБЎ), ЧҚ бўйлама ўлчами, ЧҚ орқа девори қалинлиги (ЧҚОДҚ), охирги систолик хажм (ОСХ), охирги диастолик хажм (ОДХ), отилиш фракцияси (ОФ), зарб хажми(ЗХ), систола вақтида ЧҚ олдинги-орқа ўлчамини қисқариш фракцияси(Fs), ЧҚ миокарди массаси индекси (ЧҚММИ), ЧҚ девори нисбий қалинлиги (ДНҚ), ЧҚ бўйлама ўлчами сўргичсимон мускул асосидан юрак чўққисигача бўлган масофада систола ва диастола (Ls ва Ld), систолик ва диастолик сфериклик индекси (ICs и ICd), охирги систолик меридионал миокардиал стресс (МС) баҳоланади. Отилиш фракцияси (ОФ) Simpson формуласи билан охирги систолик хажм (ОСХ), охирги диастолик хажм (ОДХ) натижалари асосида ҳисобланди. ЧҚ миокарди массаси (ЧҚММ) Devereux R.B. формуласи ёрдамида ҳисобланади ва зарб хажми (ЗХ) ОДЎ ва ОСЎ ўртасидаги фарқдан келиб чиқди. Ўртача гемодинамик қон босими (АБўр) ХиКема формуласи ёрдамида ҳисобланади

Диастолик функция тахлили қуйидаги кўрсаткичларга қараб аниқланади: чап қоринча эрта тўлишининг максимал тезлиги (Е), бўлмача кечки тўлишининг максимал тезлиги (А), Е/А нисбати, DT — ЧҚ эрта тўлиш фазасидаги оқим тезлигини секинлашиш вақти (мс), чап қоринча изоволюметрик бўшашиш вақти (IVRT, мс).

5. Қон плазмасида тиреотроп гормон, эркин Тироксин 3, эркин тироксин 4, тиреотроп гормон рецепторларига антитаначалар, тиреопероксидазага антитаначалар «Roche Diagnostics» (Швейцария) реагентлари ёрдамида «Cobas E411» (Япония) имунохемилюминесцент анализаторида аниқланди.

6. Иммунофермент усуллар. Қон плазмасида мия натрийуретик пептид (МНУП) ва альдостерон миқдори иммунофермент усули билан «ELISA» реагентлари (Германия) ёрдамида “Humareader HS” (Германия) иммунофермент анализаторида ўтказилди.


Статистик усуллар

Тадқиқот натижалари Microsoft Office Excel-2019 дастуридан фойдаланилган ҳолда статистик ишлов ўтказилди. Ўрганилган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (%)ни ҳисоблаш йўли билан параметрик ва нопараметрик вариацион статистика усулларида фойдаланилди. Ўртача қийматларни қиёслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (p)ни ва бош дисперсиялар тенглиги - F – Фишер мезонини ҳисоблаган ҳолда Стъюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Ишончлилиқ даражаси $p < 0,05$ га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди. Сифатий қийматлар учун статистик аҳамият χ^2 мезон (хи-квадрат) ва z -мезон (Гланц) ёрдамида ҳисобланди. Белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш учун Пирсоннинг жуфтлик корреляцияси коэффиценти (r) ҳисобланди.

3.1. Тиреотоксикоз билан бирга келган сурункали юрак етишмовчилигининг кечишининг ўзига хос хусусиятлари

Тиреотоксикоз билан бирга келган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморлани баҳолаганда асосий шикоятлар қуйидагилардан иборат

бўлди: 61,7% ҳолларда бўғилиш хисси, 100% ҳансираш, 100% юрак тез уриши, 81,7% да оёқларда шишлар, 100 % жиззакилик, 58,2% бош оғриғи ва 77,5% ҳолларда қўл бармоқлари титраши (3.1 -расм)



3.1.-расм. Тиреотоксикоз билан бирга келган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморлар шикоятлари

Текширилган I ФС беморларида ОЮДС кўрсаткичи $467,05 \pm 7,49$ метрни ташкил этди. II ва III ФС СЮЕ бўлган беморларда ОДЮС кўрсаткичи I ФС беморларига нисбатан 20,3% ва 51,5% га камайгани аниқланди ва мос равишда $371,63 \pm 5,31$ ва $226,6 \pm 26,5$ метрни ташкил этди. I ФС СЮЕ беморларда КХБШнинг дастлабки қийматлари мос равишда $3,6 \pm 0,37$ баллни ташкил этди. II ФС СЮЕ беморларда клиник ҳолатнинг ёмонлашуви кузатилди ва бу КХБШнинг 25% га ошиши ($p < 0,005$) билан тавсифланди ҳамда мос равишда $7,08 \pm 0,46$ баллни ташкил этди. III ФС СЮЕ беморларда бу кўрсаткич $8,8 \pm 0,92$ баллни ташкил этди ($p < 0,001$), бу ФС I ФС билан касалланган беморларга нисбатан 2 баравар юқори (3.1-жадвал) эканлиги аниқланди.

**Тиреотоксикоз билан коморбид сурункали юрак етишмовчилиги
мавжуд беморларда клиник ҳолат кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	I ФС (n=21)	II ФС (n=48)	III ФС (n=51)
Олти дақиқали юриш синамаси, м	467,05±7,49	371,63±5,31*	226,6 ± 26,5**
Клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи, балл	4,3±0,37	7,08±0,46**	8,8 ± 0,92**

Изоҳ: * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,001$ I ФС кўрсаткичларига нисбатан ишонччилик

Беморларда гормонал ҳолатнинг кўрсаткичларни ўрганиш шуни кўрсатдики, тиреотоксикоз мавжуд беморларда СЮЕ кучайиши билан ТТГ даражасининг ортиши кузатилди, III ФС билан касалланган беморларда бу кўрсаткич I ФС беморларга нисбатан 4 баравар юқори эди (3.2-жадвал). Бу СЮЕ I ФС билан касалланган беморларнинг кўрсаткичлари билан солиштирганда боғланмаган Т 4 ва боғланмаган Т 3 нинг 1,4 ва 2,1 баробар мос равишда ортиши билан бирга кечди ($p < 0,05$). СЮЕ I ФС билан касалланган беморларнинг кўрсаткичлари билан солиштирганда ФС III бўлган беморларда тиреопероксидага антитанача (ТПО АТ) лар 2,8 баравар юқори бўлиб ($p < 0,01$), тиреотроп гормон рецепторларига антитанача (ТТГР АТ) ларнинг 4,2 марта ошиши билан бирга келди ($p < 0,01$).

3.2 жадвал

Тиреотоксикоз билан коморбид сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда гормонал ҳолатнинг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	I ФС (n=21)	II ФС (n=48)	III ФС (n=51)
Тиреотроп гормон, мМЕ/л	0,09±0,020,	0,07±0,30	05±0,01
Эркин тироксин 4, нг/дл	3,73±0,21	4,66±0,29	5,30±0,20*
Эркин тироксин 3, нг/дл	2,84±0,08	3,91±0,15	5,85±0,14*
Тиреопероксидага антитаначалар, МЕ/л	66,90±4,38	132,56±8,16*	187,54±7,31**
Тиреотроп гормон рецепторларига антитаначалар, МЕ/мл	6,07±1,15	16,32±1,13*	25,79±1,70**

Изоҳ: * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,01$ назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик

Тиреотоксикоз билан касалланган СЮЕ мавжуд беморларда нейрогуморал ҳолат кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, барча текширилган беморларда МНУП миқдорининг ошиши кузатилди: I ФС СЮЕ беморларда МНУП миқдори назорат гуруҳига нисбатан 2 марта ($p < 0,001$), II ФС СЮЕ беморларда ушбу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 2,6 марта ($p < 0,001$) ва III ФС беморларида 4,1 марта ($p < 0,001$) юқори эканлиги аниқланди (3.3 - жадвал).

3.3 - жадвал


Тиреотоксикоз билан касалланган кечган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда нейрогуморал омиллар кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=31)	I ФС (n=21)	II ФС (n=48)	III ФС (n=51)
Мия натрийуретик пептиди (пг/мл)	218,1±5,41	435,2±11,4*-	562,7±26,7**	894,4±26,5**
Альдостерон (пг/мл)	184,1±21,34	239,9±29,9*	298,9±51,8*	341,8±40,5**


Изоҳ: * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,001$ назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан
ишонччилик

Тиреотоксикоз билан касалланган СЮЕ мавжуд беморларда МНУП миқдори 331,4 дан 1029,5 пг/мл гача ташкил этган. Шунинг ҳисобига олган ҳолда, бу кўрсаткич ўртача юқори қийматларга бўлинган - 400 пг / мл дан паст ва ундан юқори. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш шунинг кўрсатдики, беморларнинг 67,5 фоизиди МНУП юқори миқдори кузатилди. МНУПнинг 400 пг / мл дан юқори миқдори II ФС беморларида 62,5% ва III ФС беморларида 82,4% да аниқланди (3.2-расм).

I ФС СЮЕ беморларда альдостерон (Ал) миқдори назорат гуруҳига қараганда 1,3 барабар юқори ($p < 0,05$) эди. II ФС СЮЕ беморларда Ал миқдори назорат гуруҳига қараганда 1,6 ($p < 0,05$) ва III ФС беморларда бу кўрсаткичлар 1,9 ($p < 0,001$) марта юқорилиги қайд этилди. (3.3.- расм).




3.2- расм. Тиреотоксикозли сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда мия натрийуретик пептиди кўрсаткичлари



3.3- расм. Тиреотоксикозли сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда альдостерон кўрсаткичлари

Тиреотоксикоз билан касалланган СЮЕ мавжуд беморларда касалликнинг клиник кечиши кўрсаткичларини нейрогуморал омиллар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш шуни кўрсатдики, МНУП 400 пг / мл дан паст бўлган беморларда

ОДЮС кўрсаткичи $359,6 \pm 50,7$ м ва гормон 400 пг/мл дан юқори бўлган беморларда $311,6 \pm 53,9$ метрни ташкил этди. МНУП 400 пг/мл дан паст бўлган беморлар гуруҳида КХБШ кўрсаткичи $5,4 \pm 1,5$ балл, 400 пг / мл дан юқори бўлганларда - $7,6 \pm 1,9$ балл эканлигини аниқланди (3.4-расм).



Изоҳ: * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,01$ МНУП < 400 пг / мл беморлар кўрсаткичларига нисбатан ишонччилик

3.4 - расм. Тиреотоксикоз негизида ривожланган сурункали юрак етишмовчилигида олти дақиқали юриш синамаси ва клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи кўрсаткичларининг мия натрийуретик пептиди миқдориға боғлиқлиги

Шундай қилиб, тиреотоксикоз билан касалланган СЮЕ мавжуд беморларда МНУП миқдорининг ишончли ошиши кузатилди ва у ҳамда Ал миқдори касаллик ФС билан ассоцирланди. СЮЕ II ФСда МНУП ва Алнинг ўрта юқори кўрсаткичи ва III ФС беморларда уларнинг юқори кўрсаткичлари қайд этилди.

3.2. Тиреотоксикоз билан коморбид келган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда юрак-қон томир ремоделашувининг хусусиятлари

Тиреотоксикоз билан билан касалланган СЮЕ мавжуд беморларда ЭхоКГ кўрсаткичлари таҳлилига кўра, ЧҚ нинг систолик дисфункцияси (ОФ<40%) 38 (31,6%) беморда кузатилди. 47 (40,1%) беморда ЧҚ нинг қисқариш фаолиятининг ўртача пасайиши (40-49%) қайд этилди ва қолган 35 (28,2%) беморда ЧҚ ОФ 50% дан юқори эканлиги аниқланди.

СЮЕ билан касалланган беморларда МНУП миқдорининг ОФ кўрсаткичлари билан боғлиқлиги таҳлили, улар орасида ассоциация бор эканлигини аниқлади (3.4-жадвал). ОФ<40% беморларда МНУП миқдори ОФ 50 фоиздан юқори беморларга нисбатан 1,6 марта ($p<0,05$) ва Ал миқдор 1,4 марта ($p<0,05$) юқори бўлди, ҳамда мос равишда $781,4 \pm 32,9$ ва $402,8 \pm 25,6$ пг/млни ташкил қилди.

3.4 - жадвал

Тиреотоксикоз негизида ривожланган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда мия натрийуретик пептиди кўрсаткичининг отиш фракциясига боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	ОФ>50%(n=35)	ОФ<40-49%(n=47)	ОФ<40%(n=38)
Мия натрийуретик	$461,6 \pm 29,8$	$689,5 \pm 44,8^*$	$781,4 \pm 32,9^{**}$

пептиди (пг/мл)			
Альдостерон (пг/мл)	244,2±19,5	371,6±31,2	402,8±25,6*

Изоҳ: * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,01$ ОФ>50% беморлар кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик

Тиреотоксикоз билан касалланган ва СЮЕ мавжуд беморларда ЧҚ систолик ва диастолик функцияси кўрсаткичларини МНУП миқдори билан боғлиқлигини таҳлил қилиш, МНУП>400 пг/мл гуруҳдаги беморларда ОФ ишончли паст, ОДХ ва ОСХ кўрсаткичларининг ишончли юқори эканлиги қайд этилди (3.5 - жадвал).

Чап қоринча ремоделлашуви жараёнларини ўрганиш шуни кўрсатдики, СЮЕ нинг дастлабки босқичларида мослашув жараёни туфайли охирги-систолик ва охирги-диастолик ўлчамларнинг (ОСЎ, ОДЎ), охирги-систолик ва охирги-диастолик хажмларнинг (ОСХ, ОДХ) меъёрий кўрсаткичларга нисбатан ишонарсиз ортиши кузатилди. СЮЕ зўрайиб бориши туфайли асосий систолик функция кўрсаткичлари ЧҚ ОФ кўрсаткичи. СЮЕ II ФС ли беморларда ОФ нинг I ФС ли беморлар кўрсаткичидан 15,3%га ($P < 0,05$) камайиши кузатилди, ушбу ўзгаришлар систолада ЧҚ олдинги-орқа ўлчамларининг (F_s) 16,3% ($P < 0,01$) га қисқариши билан кечди. СЮЕ III ФС ли беморларда касалликнинг зўрайиши ишонарли даражада: ОФ ва F_s нинг СЮЕ I ФС ли беморлар кўрсаткичидан 28,2% ($P < 0,01$) ва 25,2% ($P < 0,01$) га пасайиши билан тавсифланди. СЮЕ II ФС ли беморлар ОДЎ ва ОДХ кўрсаткичлари СЮЕ I ФС ли беморлар кўрсаткичидан ишончли равишда юқори бўлиб: СЮЕ II ФС ли беморлар ОСХ кўрсаткичлари СЮЕ I ФС ли беморлар кўрсаткичидан 21,2% ($P < 0,01$) га ва ОСЎ 15,2% ($P < 0,01$) га юқори бўлди. ЧҚ деворларига юкломани кўрсатувчи меридионал систолик миокардиал стресс (МС) кўрсаткичи СЮЕ II ФС ли беморларда ЧҚ ички босими ошиши хисобига 18,6% ($P < 0,01$) га юқори

бўлди. Қоринчалар ички миокардиал зўрайиши, юрак камералари дилатация-сига қарамай, зарб ҳажмининг ортишига мойиллик кузатилди.

СЮЕ нинг зўрайиши (III ФС) ЧҚ янада кўпроқ структуравий қайта тузилиши билан кечди, ЧҚ дилатацияси даражаси ортди: СЮЕ I ФС ли беморлар кўрсаткичларидан ОДЎ 29,6% ($P<0,05$)га ва ОДХ 34,1% ($P<0,001$) га ортди. ОСЎ кўрсаткичи бу беморларда I ФС ли беморлар кўрсаткичидан ишонарли даражада 35,9% ($P<0,001$) га, ОСХ 38,4% га ортди. Охирги-систолик даврда миокард ички босимининг ортиши натижасида МС кўрсаткичининг 34,8% ($P<0,01$) га ортиши билан тавсифланди.

3.5 - жадвал

Тиреотоксикоз билан касалланган беморларда чап қоринча систолик ва диастолик функцияси кўрсаткичларини мия натрийуретик пептиди миқдори билан боғлиқлиги ($M\pm SD$)

Кўрсаткичлар	Беморлар сони (n=120)		
	МНУП $\leq$ 400 пг/мл (n=69)	МНУП $>$ 400 пг/мл (n=51)	p
ОДХ, мл	159,6 $\pm$ 18,3	185,4 $\pm$ 19,9*	p $<$ 0,05
ОСХ, мл	81,9 $\pm$ 20,2	121,4 $\pm$ 17,9*	p $<$ 0,05
ОФ, %	48,5 $\pm$ 9,4	41,7 $\pm$ 8,3*	p $<$ 0,05
МС, дин/ см ²	125,1 $\pm$ 27,5	154,0 $\pm$ 25,5*	p $<$ 0,05
Е, см/с	62,5 $\pm$ 9,03	58,8 $\pm$ 12,1	p $<$ 0,05
А, см/с	64,6 $\pm$ 10,3	60,9 $\pm$ 13,8	p $>$ 0,05
Е/А	1,231 $\pm$ 0,338	0,902 $\pm$ 0,328	p $>$ 0,05
IVRT, мс	84,3 $\pm$ 11,9	85,04 $\pm$ 14,97	p $>$ 0,05
DT, мс	182,5 $\pm$ 23,8	188,4 $\pm$ 21,7	p $>$ 0,05

Изоҳ: * – фарқлар гуруҳлараро кўрсаткичларга нисбатан ишончли

Чап қоринча ремоделлашуви жараёнларини ўрганиш шуни кўрсатдики, СЮЕ нинг дастлабки босқичларида мослашув жараёни туфайли охирги-систолик ва охирги-диастолик ўлчамларнинг (ОСЎ, ОДЎ), охирги-систолик ва охирги-диастолик хажмларнинг (ОСХ, ОДХ) меъёрий кўрсаткичларга нисбатан ишонарсиз ортиши кузатилди. СЮЕ зўрайиб бориши туфайли асосий систолик функция кўрсаткичлари ЧҚ ОФ кўрсаткичи. СЮЕ II ФС ли беморларда ОФ нинг I ФС ли беморлар кўрсаткичидан 15,3%га ($p < 0,05$) камайиши кузатилди, ушбу ўзгаришлар систолада ЧҚ олдинги-орқа ўлчамларининг (F_s) 16,3% ($p < 0,01$) га қисқариши билан кечди. СЮЕ III ФС ли беморларда касалликнинг зўрайиши ишонарли даражада ОФ ва F_s нинг СЮЕ I ФС ли беморлар кўрсаткичидан 28,2% ($p < 0,01$) ва 25,2% ($p < 0,01$) га пасайиши билан тавсифланди. СЮЕ II ФС ли беморлар ОДЎ ва ОДХ кўрсаткичлари СЮЕ I ФС ли беморлар кўрсаткичидан ишончли равишда юқори бўлиб: СЮЕ II ФС ли беморлар ОСХ кўрсаткичлари СЮЕ I ФС ли беморлар кўрсаткичидан 21,2% ($p < 0,01$) га ва ОСЎ 15,2% ($p < 0,01$) га юқори бўлди. ЧҚ деворларига юкломани кўрсатувчи меридионал систолик миокардиал стресс (МС) кўрсаткичи СЮЕ II ФС ли беморларда ЧҚ ички босими ошиши хисобига 18,6% ($p < 0,01$) га юқори бўлди. Қоринчалар ички миокардиал зўрайиши, юрак камералари дилятациясига қарамай, зарб хажмининг ортишига мойиллик кузатилди.

СЮЕ нинг зўрайиши (III ФС) ЧҚ янада кўпроқ структуравий қайта тузилиши билан кечди, ЧҚ дилятацияси даражаси ортди: СЮЕ I ФС ли беморлар кўрсаткичларидан ОДЎ 29,6% ($p < 0,05$)га ва ОДХ 34,1% ($p < 0,001$) га ортди. ОСЎ кўрсаткичи бу беморларда I ФС ли беморлар кўрсаткичидан ишонарли даражада 35,9% ($p < 0,001$) га, ОСХ 38,4% га ортди. Охирги-систолик даврда миокард ички босимининг ортиши натижасида МС кўрсаткичининг 34,8% ($p < 0,01$) га ортиши билан тавсифланди.

МНУП билан юрак ремоделланиши кўрсаткичлари орасида корреляцион боғлиқлик аниқланди: МНУП ва ОФ кўрсаткичи орасида тескари ($r=-0,73$) ва ОДХ кўрсаткичи билан тўғри корреляцион боғлиқлик ($r=0,66$) аниқланди.


Тиреотоксикоз билан касалланган беморларда юрак меъёрий конфигурацияси – 8 та беморда, концентрик ремоделлашув – 20 та, концентрик гипертрофия – 49 та, эксцентрик гипертрофия – 43 та ҳолатларда кузатилди (3.6-жадвал).

3.6-жадвал

Ремоделланиш турига боғлиқ юракнинг чап қоринчасининг систолик ва диастолик функцияси ҳолати ($M \pm SD$)

Кўрсаткичлар	Концентрик ремоделланиш	Концентрик гипертрофия	Эксцентрик гипертрофия
Е, см · с ⁻¹	54,0±11,3	53,5±15,9	47,9±15,8
А, см · с ⁻¹	50,8±11,2	57,3±13,1	56,1±11,8
Е/А, ед	1,18±0,16	1,03±0,17	0,88±0,11
Чап қоринча отиш фракцияси, %	57,0±15,1	54,8±12,2	43,1±11,2*
Чап қоринча деворлари нисбий қалинлиги	0,47±0,025	0,46±0,015	0,34±0,015*

Эслатма: * - $p < 0,05$ гуруҳлараро кўрсаткичларга нисбатан ишончлилик



3.5 - расм. Тиреотоксикозли сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда юрак диастолик дисфункцияси кўрсаткичлари

Диастолик функциянинг бузилиши дастлаб 84,21% (101 бемор)да аниқланди. Шунингдек I тип (секинлашган релаксация) 36,6% (37 бемор), II тип – (псевдонормал тип) 33,7% (34), III тип (рестриктив тип) – 29,7% (30) беморларда қайд қилинди.

Шундай қилиб, тиреотоксикоз негизида шаклланган СЮЕда ЧҚ миокардининг ремоделлашув жараёни унинг систолик ва диастолик функцияси бузилиши билан бирга, структуравий ўзгариши билан, яъни ЧҚ гипертрофияси, ЧҚ миокард массаси ортиши, юрак чап бўлмача ва ЧҚ бўшлиғининг кенгайиши, деворлар нисбий қалинлигининг ортиши ва ЧҚ нинг геометрик шаклидаги ўзгариш билан тавсифланди.

3.3. Тиреотоксикоз сурункали юрак етишмовчилиги билан коморбид келган беморларда сакибутрил/валсартаннинг самарадорлигини баҳолаш


Муқобил узок муддат медикаментоз даволаш учун қўллаш тавсия қилинган дори воситалари – лизиноприл ва сакубитрил/валсартаннинг самарадорлиги ҳамда ўрганилаётган кўрсаткичлар динамикасини баҳолаш учун беморлар 2 гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳ (I) – 45 (54,2%) та тиреотоксикоз билан касалланган СЮЕ II ва III ФС бўлган беморлардан иборат бўлиб, улар 6 ой давомида муқобил даволашда лизиноприл дори воситасини ва иккинчи гуруҳ (II) -54 (45,8%) тиреотоксикоз билан касалланган СЮЕ II ва III ФС бўлган беморлардан иборат бўлиб, улар 6 ой давомида монанд даволашда сакубитрил/валсартан дори воситасини қабул қилдилар.


Олти ой давомида ўтказилган даволаш самарадорлигини ўрганиш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, I гуруҳ беморларида даволаш комплексида лизиноприлни қўллаш натижасида тиреотоксикоз билан касалланган беморларда нейрогормонлар миқдори ишончли пасайди: I ФС беморларида МНУП миқдори дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 24,6%, альдостерон эса 20,2% ($p<0,05$) камайди. II ФС беморларда МНУП миқдорининг 27,1% ($p<0,01$), альдостероннинг 22,3% ($p<0,05$) ва III ФС беморларда МНУП миқдори 30,8% ($p<0,05$) ва альдостерон миқдори 25,4% ($p<0,05$) камайиши аниқланди.

Даволаш комплексида сакубитрил/валсартанни қўллаш I ва II ФС беморлар қонидаги нейрогормонлар миқдorigа ижобий таъсир кўрсатди: МНУП миқдори 30 ва 27,47% ($p<0,01$) камайган бўлса, альдостерон миқдори 23 ва 21,3% камайди ($p<0,01$). МНУП миқдорининг III ФС беморларида камайиши 38,2% ($p<0,05$) ташкил этди, альдостерон эса 16,3% ($p<0,01$) га камайди (3.6-расм).

I гуруҳ беморларда ЧҚ структур-геометрик кўрсаткичларига 6 ойлик даволаш самарадорлигини баҳолаш ОДЎ ва ОСЎ кўрсаткичларини 6 ойдан сўнг 10%



($p<0,01$) ва 11,7% ($p<0,05$) пасайишига олиб келди ва бу дастлабки кўрсаткичларга нисбатан мос равишда – 8,1% ва 12,6% ($p<0,01$) камайиши билан бирга кечди. СЮЕ I ФС беморларида ОФ 6 ой даволашдан сўнг бу кўрсаткичнинг мос равишда 9,8% ($p<0,05$) ошиши кузатилди. II ФС СЮЕ беморларида ОДХ ва ОСХ кўрсаткичларини мос равишда 8,6% ($p<0,05$) ва 11,1% ($p<0,05$), III ФСда эса 10,6% ($p<0,05$) ва 13,1% ($p<0,05$) камайиши аниқланди. Бу ўз навбатида ОДЎ ва ОДЎ кўрсаткичларини эса мос равишда II ФС да 15,4 ($p<0,05$) ва 19,6% ($p<0,01$); III ФСда 19,6% ($p<0,05$) и 27,2% га ($p<0,01$) камайиши кузатилди. Бу юрак қисқариш қобилияти яхшиланишига ОФ кўрсаткичини II ФС беморларида 16,4% ($p<0,01$) ва III ФС беморларида – 21,9 % ($p<0,01$) ошиши билан тавсифланди. II ва III ФС беморларида ЧҚ ўлчамининг камайиши ҳисобиға МС кўрсаткичи 25,7 и 21,7% ($p<0,05$)га камайди. II ФС беморларида систола ва диастолада юрак бўйлама ўлчамларини мос равишда 4,9 ва 2,5% ($p<0,05$)га камайиши бир вақтнинг ўзида юмалоқлик индексининг систола ва диастолада (ICs ва ICd) 5,9% ($p<0,05$) ва 7,9% ($p<0,01$) камайиши билан кузатилди. Худди шундай динамика III ФС беморларида ҳам кузатилди: систола ва диастолада юрак бўйлама ўлчамлари 6,8% ($p<0,05$) ва 5,9%га ($p<0,05$) катталашди, ICd ва ICs 10,8% ($p<0,05$) ва 7,4% ($p<0,05$)га камайди.





3.6-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган тиреотоксикозли беморларда 6 ойлик даволашдан сўнг нейрогуморал омиллар кўрсаткичлари

Сакубитрил/валсартан билан 6 ой даволанган II гуруҳ беморларида ОДЎ ва ОСЎ кўрсаткичлари I ФС СЮЕ беморларида 8,9 ва 10,6% ($p<0,05$), II ФСда 9,1 ва 9,6% ($p<0,05$), ҳамда III ФС беморларида 11,4 и 12,9% ($p<0,05$) камайиши ва юрак ҳажми кўрсаткичларининг ҳам ишончли камайиши кузатилди: ОДХ ва ОСХ 19,9% ($p<0,01$) ва 24,8% ($p<0,001$) II ФС беморларида, 21,4% ($p<0,05$) и 27,6% ($p<0,01$) III ФС беморларида аниқланди. Бу юрак қисқариш қобилятининг яхшиланиши билан кечди ва ЧҚ ОФ I ФС беморларида 13,1% ($p<0,05$), II ФС беморларида 15,7% ($p<0,05$) ва III ФС беморларида 19,9% ($p<0,01$)га ошди (3.7-расм). Бу гуруҳ беморларида систола охирида ЧҚ деворига юрак ичи босими таъсирининг камайиши II ва III ФС беморларида МСнинг мос равишда 29,6 ва 28,1% ($p<0,01$) ишончли камайиши билан тавсифланди. 6 ой даволанишдан сўнг ЧҚ структур белгилари ўзгариши геометрик кўрсаткичларнинг ҳам яхшиланишига олиб келди: систола ва диастолада юрак бўйлама ўлчамлари II ФСда – 4,5 ва 6,1%; III ФСда - 4,1 и 6,8% га кўпайди, ИСd ва ИCs II ФСда 9,3 и 11,9% ($p<0,01$), III ФСда и 7,2 и 10,3% ($p<0,01$)га камайди.



3.7-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган тиреотоксикозли беморларда 6 ойлик даволашдан сўнг отиш фракцияси ва охирги диастолик ҳажм кўрсаткичлари

Юрак конфигурацияси тури ҳам кузатув натижасида ишончли ўзгарди ва кузатув давомида I ва II гуруҳ беморларида чап қоринча миокардининг вазн индекси 13,5% га камайди ва ЧҚнинг систолик функцияси яхшиланди, бу эса ўз

навбатида эксцентрик гипертрофияли беморлар сони камайиши билан тавсифланди.


Чап қоринча вазнининг пасайиши ҳисобига ремоделлашувнинг оқибати ёмон турлари - чап қоринча эксцентрик ва концентрик гипертрофияси бор беморлар сонинининг камайишига эришилди. I гуруҳ беморларида юрак меъёрий конфигурацияси ва концентрик ремоделлашув - 20 та, концентрик гипертрофия – 16 та, эксцентрик гипертрофия – 18 та беморда кузатилди. II гуруҳ беморларида юрак меъёрий конфигурацияси ва концентрик ремоделлашув - 15 та, концентрик гипертрофия – 16 та, эксцентрик гипертрофия – 14 та беморда қайд этилди.

Тиреотоксикоз негизида ривожланган СЮЕ билан касалланган беморларда нейрогуморал омиллар ва юрак ремоделланиш жараёнларининг яхшиланиши касалликнинг клиник кечишини яхшиланиши билан кечди.

Касалликнинг клиник кечиши кўрсаткичлари таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, I гуруҳ беморларда ОДЮС кўрсаткичлари II-III ФС беморларида даволашдан сўнг 6 ой ўтгач дастлабки кўрсаткичларга мос равишда 30,1 ва 33,2% ($p<0,001$) ишончли яхшиланиши қайд этилди. Жисмоний юкламага чидамлилиқ ортиши беморлар клиник ҳолатининг яхшиланиши билан кечди: КХБШ кўрсаткичларга дастлабки кўрсаткичларга нисбатан мос равишда СЮЕ II- III ФС беморларда – 36,8% ($p<0,01$) ва 33,9% ($p<0,05$)га ошиши билан ифодаланди. Иккинчи гуруҳ беморларида ОДЮС кўрсаткичларининг II ва III ФС беморларида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ишончли 22,9% ва 35,2% ($p<0,001$)га яхшилангани аниқланди. КХБШ бўйича кўрсаткичлар мос равишда II ФС да 32,6 ($p<0,05$) ва III ФС да 31,7% га ($p<0,01$) яхшилангани билан ифодаланди.

Ҳар икки гуруҳда 6 ойлик даволаниш негизида Миннесот сўровномасига кўра ҳаёт сифати (ХС) кўрсаткичининг ишончли яхшиланиши кузатилди. I гуруҳ беморларда даволашдан олти ойдан сўнг ҳаёт сифати кўрсаткичи I ФС беморларда 15,2% ($p<0,05$), II ФС беморларда 18,3% ($p<0,05$) ва III ФС беморларида 22,1% ($p<0,01$) яхшиланиши билан кечди. II гуруҳ беморларда даволашдан олти ойдан

сўнг ҳаёт сифати кўрсаткичи яхшиланиши I ФС беморларда бу кўрсаткичнинг 18,7% ($p<0,05$), II ФС беморларда 21,9% ($p<0,05$) ва III ФС беморларида 27,8% ($p<0,01$)га яхшиланиши билан кечди (3.8-расм).



3.8-расм. Тиреотоксикоз негизида ривожланган СЮЕ билан касалланган беморларда 6 ойлик даволашдан сўнг ҳаёт сифати кўрсаткичлари

Тадқиқотга жалб қилинган беморлар юқорида қайд этилганидек олти ой давомида кузатилдилар. Прогноз натижаларини баҳолаш шуни кўрсатдики, СЮЕ билан касалланган беморлар гуруҳида 15 бемор қайта шифохонага ётқизилган, улардан 3 тасида такрорий ва 1 тасида фатал миокард инфаркти (МИ) кузатилди. Бу беморларда МНУП ва Ал кўрсаткичлари миқдори нофатал

ва фатал миокард инфаркти беморларда юқори бўлгани қайд этилди ва клиник ҳолатни баҳоловчи кўрсаткичларнинг ёмонлашгани билан тавсифланди (3.8-жадвал).

3.8 - жадвал

СЮЕ ли беморларда 6 ойлик прогноз таҳлили

Прогноз кўрсаткичлари	МНУП пг/мл	Альдостерон пг/мл	ОДЮС, м	КХБШ, балл
Такрорий госпитализация (n=15)	676,2±23,7	372,5±21,9	347,6±28,2	6.2±1,3
Такрорий нофатал МИ (n= 3)	767,4±32,5	399,1±25,8	331,2±33,8	6,9±1,1
Такрорий фатал МИ (n=1)	841,3	404,7	271,9	8,3

Тиреотоксикоз билан касалланган беморларда СЮЕ кечишини башорат қилиш мақсадида математик матрица яратилди. Касалликни кечишида аҳамиятли клиник, функционал ва лаборатор кўрсаткичлар Байес формуласига (тескари эҳтимоллик теоремаси ёки гипотеза теоремаси) асосланган эҳтимоллик ёндашув назариясига асосланган усулдан фойдаланган ҳолда баҳоланди ва кетма-кетлик статистик таҳлилни Валд усулида амалга оширилди. Бу жараён уч босқични ўз ичига олади: биринчиси, оғирлик даражасига қараб СЮЕда симптомнинг эҳтимолини ўрганиш, диагностик коэффицентларни ҳисоблаш ва ҳар бир симптомнинг маълумот бериш моҳиятини аниқлаш. Иккинчи босқич - юқори маълумотга эга бўлган белгиларни (0,5 дан ортиқ ёки тенг) ўз ичига олган ташхис жадвалларини тузиш. Учинчи босқич - ташхислаш чегараларини танлаш (диагностик коэффицентлар йиғиндиси). Натижада башорат қилиш

учун ҳар бир мезоннинг сезувчанлиги, ўзига хослиги ва прогностик аҳамиятини баҳолаб ҳамда тегишли формулалар асосида математик матрица тузилди.

Таклиф этилган усулдан фойдаланиб тиретоксикоз билан касалланган беморларда СЮЕ кечишининг оғирлик даражаси ва прогностик хавфи аниқланади (3.9 – расм).

Показатели:

Основные:

Показатели теста шестиминутной ходьбы ☐ 426-550 метров ☐ 301-425 метров ☐ 150-300 метров ☐ Менее 150 метров	ТТГ, мМЕ/л ☐ 0,3-4,0 ☐ > 4,0 ☐ < 0,3
Оценка по шкале ШОКС, балл ☐ до 3,5 ☐ 3,5-5,5 ☐ 5,8-8,5 ☐ > 8,5	Т4 свободный, нг/дл ☐ 0,93-2,0 ☐ < 0,93 ☐ > 2,0
Показатели ФВ левого желудочка ☐ Более 50% ☐ 50-40% ☐ Менее 40%	Антитела к рецепторам ТТГ, МЕ/л ☐ < 1,75 ☐ > 1,75
	Ан-ТПО, МЕ/мл ☐ < 34 ☐ > 34

Балл:
 Прогноз:
 Степень риска:

3.9 - расм. Сурункали юрак етишмовчилиги билан бирга келадиган тиреотоксикозли беморларда прогнозни аниқлаш дастури.

Ушбу калкулятор программаси тиреотоксикоз негизида ривожланган сурункали юрак етишмовчилигининг оғирлиги учун индивидуал прогнозни аниқлаш ва ушбу беморни юқори хавфли гуруҳга ажратиш имконини беради. Бу эса терапевтик ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш, даволаш самарадорлигини муқобиллаштириш, ривожланиш хавфини камайтириш, асоратлар ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

ХОТИМА

Қалқонсимон без гормонлари геномик ва геномик бўлмаган таъсирлар орқали юрак фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли, қалқонсимон без гормонларининг етишмаслиги ҳам, ортиқча бўлиши ҳам юрак фаолияти бошқарувида ва юрак-қон томир гемодинамикасида чуқур ўзгаришларга олиб келади [89,108]. Гипертиреоз белгилари бўлган беморларда юрак белгиларини тез ва самарали даволаш жуда муҳим, чунки гипертиреоз билан касалланган беморларда юрак-қон томир асоратлари ўлимнинг аксарият қисмини ташкил қилади. Гипертиреоз билан касалланган беморларда СЮЕни даволаш қийин, чунки СЮЕ белгилари гетероген ҳолатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин[34,79].

Жаҳонда яқин 20-30 йилда СЮЕ тарқалишининг 40-60%га ошиши кутилмоқда. Мазкур патология беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичини кескин ёмонлаштиради ва ўлим оқибатини 4 баробар ошишига сабаб бўлади. СЮЕ билан оғриган беморларда тўсатдан ўлим хавфи юрак етишмовчилиги бўлмаган беморларга нисбатан 5 маротаба юқоридир [19,85].

Шу муносабат билан СЮЕ бор беморларда сурункали юрак етишмовчилигининг патогенетик механизмларини шаклланишида иштирок этувчи, юрак қон-томир тизими ремоделлашуви жараёнлари, уларни эрта диагностикаси, ўтказилаётган терапияни назорат қилиш ва касаллик прогнозида муҳим аҳамиятга эга бўлган универсал лаборатор-инструментал маркерларини излаш катта зарурият уйғотади [43,95].

СЮЕ нинг ривожланиши билан ренин -ангиотензин-альдостерон тизими (РААТ) ва симпато-адренал тизим (САТ) фаоллиги бир неча марта ортади, бу эса доимий вазоконстрикцияга, нафас қисиши, периферик шиш, тахикардия, гипотензия, гиперволемиа билан намоён бўладиган гемодинамик бузилишларга олиб келади [29,106].

Биз тадқиқотимизда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида амбулатор даволанган 35-60 ёшдаги 120

нафар СЮЕ мавжуд бўлган тиреотоксикоз билан касалланган беморлар текширилган ва уларнинг ўртача ёши $54,6 \pm 7,6$ ни ташкил этди. Беморлар Нью-Йорк кардиологлар Ассоциацияси (NYHA) таснифига асосан ФС бўйича гуруҳларга ажратилди: I ФС 21 (17,5%) бемор, II ФС 48 (40%) ва III ФС 51 (42,5%) бемор ташкил этди.

Барча беморларда, олти дақиқали юриш синамаси (ОДЮС), беморлар клиник ҳолати уни баҳолаш шкаласи (КХБШ) ёрдамида, юрак систолик ва диастолик функцияси эхокардиография (ЭхоКГ) усули билан «Phillips HD7 XE» (Нидерландия) ускунасида стандарт эхокардиографик позицияларда комплекс клиник асбобий текширувлар ўтказил. Қалқонсимон без функционал ҳолати гормонларни аниқлаш орқали баҳоланди. «Roche Diagnostics» (Швейцария) реагентлари ёрдамида «Cobas E411» (Япония) имунохемилюминесцент анализаторида тиреотроп гормон (ТТГ), эркин Т4 миқдори, эркин Т3 ҳамда тиреотроп гормон рецепторига қарши антитаначалар, тиреопероксидага қарши антитаначалар даражаси аниқланди. Имунофермент усули билан ELISA реагентлари (Германия) ёрдамида мия натрийуретик пептидининг NTproBNP аминотерминал қисми (МНУП) ва альдостерон (Ал) миқдорларини аниқлашда “HUMAREADER SINGLE” (Германия) аппаратидадан фойданилди. Прогнозни баҳолаш мақсадида охириги нукталар сифатида 1 йилдан кейин қуйидаги кўрсаткичлар ўрганилди: қайта шифохонага ётишлар сони, нофатал ва фатал миокард инфаркти (МИ), ўлим кўрсаткичи.

Беморлар қабул қилган муқобил медикаментоз терапия қуйидагича эди: ангиотензин айлантирувчи фермент (АПФ) ингибиторларини 55% беморлар, неприлизин ингибитори/АПАлар - 45%, бета адреноблокаторлар - 100%, диуретиклар - 47,4%, спиронолактон - 30% ва эплеренон - 39,5% беморлар қабул қилдилар. Беморларни даволашда АПФ ингибитори лизиноприл ва сакубитрил / валсартаннинг қиёсий самарадорлигини ўрганиш мақсадида улар

2 гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳ (I) – 45 (45,5%) СЮЕ II ва III ФС бўлган беморлардан иборат бўлиб, улар 6 ой давомида оптимал даволашда лириноприл дори воситасини титрлаш йўли билан 5-10 мг гача қабул қилишди ва унинг кундалик ўртача дозаси $8,1 \pm 2,5$ мгни ташкил этди; иккинчи гуруҳ (II) -54 (54,5%) СЮЕ II ва III ФС бўлган беморлардан иборат бўлиб, улар 6 ой давомида оптимал даволашда сакубитрил/валсартан (АРНИ) дори воситасини қабул қилди. Гуруҳлар ёши, жинси ва ёндош касалликлар бўйича рандомизация қилинган эди.

Тадқиқотга гипотиреоз, субклиник гипертиреоз, қандли диабет, буйрак касаллиги, гипертоник кризлар, юрак клапани касалликлари, мураккаб юрак аритмиялари бўлган беморлар киритилмаган.

Текширилган I ФС беморларида ОЮДС кўрсаткичи $467,05 \pm 7,49$ метрни ташкил этди. II ва III ФС СЮЕ бўлган беморларда ОДЮС кўрсаткичи I ФС беморларига нисбатан 20,3% ва 51,5% га камайгани аниқланди ва мос равишда $371,63 \pm 5,31$ ва $226,6 \pm 26,5$ метрни ташкил этди. I ФС СЮЕ беморларда КХБШнинг дастлабки қийматлари мос равишда $3,6 \pm 0,37$ баллни ташкил этди. II ФС СЮЕ беморларда клиник ҳолатнинг ёмонлашуви кузатилди ва бу КХБШнинг 25% га ошиши ($p < 0,005$) билан тавсифланди ҳамда мос равишда $7,08 \pm 0,46$ баллни ташкил этди. III ФС СЮЕ беморларда бу кўрсаткич $8,8 \pm 0,92$ баллни ташкил этди ($p < 0,001$), бу ФС I ФС билан касалланган беморларга нисбатан 2 баравар юқори эканлиги аниқланди.

Қалқонсимон безнинг дисфункцияси миокарднинг қисқариш қобилиятига, систолик ва диастолик қон босимига, юрак оғирлигига, юрак уриш тезлигига, отилиш фракциясига ва юрак отишига бевосита таъсир қилади, бу эса охир-оқибат юрак етишмовчилигига олиб келиши мумкин. Охирги клиник маълумотлар шуни кўрсатдики, гипотиреозидизм билан касалланган беморларда қалқонсимон без гормонларни ўрин босувчи терапияси юрак-қон томир касалликларини камайтириш потенциалини юзага келтиради [88,119].

Беморларда гормонал ҳолатнинг кўрсаткичларни ўрганиш шуни кўрсатдики, тиреотоксикоз мавжуд беморларда СЮЕ кучайиши билан ТТГ даражасининг ортиши кузатилди, III ФС билан касалланган беморларда бу кўрсаткич I ФС беморларга нисбатан 4 баравар юқори эди. Бу СЮЕ I ФС билан касалланган беморларнинг кўрсаткичлари билан солиштирганда боғланмаган Т 4 ва боғланмаган Т 3 нинг 1,4 ва 2,1 баробар мос равишда ортиши билан бирга кечди ($p < 0,05$). СЮЕ I ФС билан касалланган беморларнинг кўрсаткичлари билан солиштирганда ФС III бўлган беморларда тиреопероксидага антитанача (ТПО АТ) лар 2,8 баравар юқори бўлиб ($p < 0,01$), тиреотроп гормон рецепторларига антитанача (ТТГР АТ) ларнинг 4,2 марта ошиши билан бирга келди ($p < 0,01$).

Ҳозирги вақтда СЮЕ патогенезида натрийуретик омилларнинг роли катта аҳамиятга эга, чунки у РААТ, САТ ва вазопрессиннинг салбий таъсирига қаршилиқ кўрсатувчи асосий тизимдир [75,132].

Тиреотоксикоз билан коморбидликда бўлган СЮЕ да нейрогуморал ҳолат кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, барча текширилган беморларда МНУП миқдорининг ошиши кузатилди: I ФС СЮЕ беморларда МНУП миқдори назорат гуруҳига нисбатан 21% ($p < 0,001$), II ФС СЮЕ беморларда ушбу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 32,2% га ($p < 0,001$) ва III ФС 37,8% га ($p < 0,001$) ошди. СЮЕ III ФС гуруҳида нейрогуморал омилларнинг кўпайиши билан беморларнинг тақсимланишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ушбу гуруҳдаги МНУП даражасининг ўртача юқори ўсиши мос равишда 54,6% ҳолларда аниқланган.

Қон зардобидаги NT-proBNP даражаси гипертиреозда юрак етишмовчилигидан қатъий назар, ошиши адабиётларда кўрсатилган. Гипертиреоз анъанавий эхокардиография билан аниқланмайдиган юракдаги ультраструктура ўзгаришларига олиб келиши мумкин ва бу ўзгаришлар NT-proBNP даражасининг ошишига сабаб бўлиши мумкин. Қалқонсимон без

гормонларининг камайишидан фарқли ўлароқ, қалқонсимон без гормонларининг кўплиги қон зардобдаги NT-proBNP даражасига янада аниқ таъсир кўрсатиши мумкин [81,117].

Тиреотоксикоз билан касалланган СЮЕ мавжуд беморларда МНУП даражаси 331,4 дан 1029,5 пг / мл гача бўлидиган. Шунини ҳисобга олган ҳолда, бу кўрсаткич ўртача юқори қийматларга бўлинган - 400 пг / мл дан паст ва ундан юқори. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш шунини кўрсатдики, беморларнинг 67,5 фоизиди юқори МНУП даражаси кузатилган. СЮЕ II ФС мавжуд тиреотоксикозли беморларда юқори даражалар 62,5% да аниқланган, III ФС билан касалланган беморларда МНУП даражаси 82,4% беморларда 400 пг / мл дан юқори бўлди.

I ФС СЮЕ беморларда альдостерон (Ал) миқдори назорат гуруҳига қараганда 1,2 барабар юқори ($p < 0,05$) эди. II ФС СЮЕ беморларда Ал миқдори назорат гуруҳига қараганда 1,5 ($p < 0,01$) ва III ФС беморларда бу кўрсаткичлар 1,9 ($p < 0,001$) марта юқорилиги қайд этилди.

Тиреотоксикоз билан касалланган СЮЕ мавжуд беморларда касалликнинг клиник кечиши кўрсаткичларини нейрогуморал омиллар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш шунини кўрсатдики, МНУП 400 пг / мл дан паст бўлган беморларда ОДЮС кўрсаткичи $359,6 \pm 50,7$ м ва гормон 400 пг/мл дан юқори бўлган беморларда $311,6 \pm 53,9$ метрни ташкил этди. МНУП 400 пг/мл дан паст бўлган беморлар гуруҳида КХБШ кўрсаткичи $5,4 \pm 1,5$ балл, 400 пг / мл дан юқори бўлганларда - $7,6 \pm 1,9$ балл эканлигини аниқланди.

Шундай қилиб, тиреотоксикоз билан касалланган СЮЕ мавжуд беморларда МНУП миқдорининг ишончли ошиши кузатилди ва у ҳамда Ал миқдори касаллик ФС билан ассоцирланди. СЮЕ II ФСда МНУП ва Алнинг ўрта юқори кўрсаткичи ва III ФС беморларда уларнинг юқори кўрсаткичлари қайд этилди.

Юрак касаллиги бўлмаган субклиник тиреоид дисфункцияси бўлган беморларда NT-pro-BNP МНУП Т4 ва Т3 даражалари билан ижобий корреляция қилинган бўлиб, ушбу ҳолатларида қалқонсимон безни даволаш гипотиреоз билан касалланган беморларда NT-pro-BNP нинг ошишига ва гипертиреоидли беморларда NT-pro-BNP нинг пасайишига олиб келиши кузатилган. Бу кузатилган ўзгаришлардан қатъий назар, Т3 нинг МНУП ген экспрессиясига бевосита таъсири мавжуд бўлиб, Т3 даражаси паст бўлган беморларнинг ёши каттароқ, NYHA бўйича функционал синфи юқори, гиперлипидемия ва қандли диабет кўпроқ ва МНУП даражаси юқори бўлгани аниқланган [49,102].

МНУП миқдорининг беморлар клиник ҳолати билан боғлиқлиги бир қатор тадқиқотларда кўрсатилган [65,99,154]. Юрак бўшлиқларидаги ҳажм ва босимнинг сурункали ошиши кўпчилик кардиомиоцитларнинг бу пептидлар генларини ифодалаш учун сафарбар этилиши натижасида НУП секрециясининг ошишига олиб келиши аниқланган [57,122,147].

Тиреотоксикоз билан касалланган СЮЕ мавжуд беморларда ЭхоКГ кўрсаткичлари таҳлилига кўра, ЧҚ нинг систолик дисфункцияси (ОФ<40%) 38 (31,6%) беморда кузатилди. 47 (40,1%) беморда ЧҚ нинг қисқариш фаолиятининг ўртача пасайиши (40-49%) қайд этилди. Қолган 35 (28,2%) беморда ЧҚ ОФ 50% дан юқори эди.

СЮЕ билан касалланган беморларда МНУП миқдорининг ОФ кўрсаткичлари билан боғлиқлиги таҳлили, улар орасида ассоциация бор эканлигини аниқлади. ОФ<40% беморларда МНУП миқдори ОФ 50 фоиздан юқори беморларга нисбатан 1,6 марта ($p < 0,05$) ва Ал миқдор 1,4 марта ($p < 0,05$) юқори бўлди ҳамда мос равишда $781,4 \pm 32,9$ ва $402,8 \pm 25,6$ пг/млни ташкил қилди.

Тиреотоксикоз билан касалланган ва СЮЕ мавжуд беморларда ЧҚ систолик ва диастолик функцияси кўрсаткичларини МНУП миқдори билан

боғлиқлигини таҳлил қилиш, $MHUP > 400$ пг/мл гуруҳдаги беморларда ОФ ишончли паст, ОДХ ва ОСХ кўрсаткичларининг ишончли юқори эканлиги қайд этилди.

Чап қоринча ремоделлашуви жараёнларини ўрганиш шуни кўрсатдики, СЮЕ нинг дастлабки босқичларида мослашув жараёни туфайли охирги-систолик ва охирги-диастолик ўлчамларнинг (ОСЎ, ОДЎ), охирги-систолик ва охирги-диастолик хажмларнинг (ОСХ, ОДХ) меъёрий кўрсаткичларга нисбатан ишонарсиз ортиши кузатилди. СЮЕ зўрайиб бориши туфайли асосий систолик функция кўрсаткичлари ЧҚ ОФ кўрсаткичи. СЮЕ II ФС ли беморларда ОФ нинг I ФС ли беморлар кўрсаткичидан 15,3%га ($P < 0,05$) камайиши кузатилди, ушбу ўзгаришлар систолада ЧҚ олдинги-орқа ўлчамларининг (F_s) 16,3% ($P < 0,01$) га қисқариши билан кечди. СЮЕ III ФС ли беморларда касалликнинг зўрайиши ишонарли даражада: ОФ ва F_s нинг СЮЕ I ФС ли беморлар кўрсаткичидан 28,2% ($P < 0,01$) ва 25,2% ($P < 0,01$) га пасайиши билан тавсифланди. СЮЕ II ФС ли беморлар ОДЎ ва ОДХ кўрсаткичлари СЮЕ I ФС ли беморлар кўрсаткичидан ишончли равишда юқори бўлиб: СЮЕ II ФС ли беморлар ОСХ кўрсаткичлари СЮЕ I ФС ли беморлар кўрсаткичидан 21,2% ($P < 0,01$) га ва ОСЎ 15,2% ($P < 0,01$) га юқори бўлди. ЧҚ деворларига юкломани кўрсатувчи меридионал систолик миокардиал стресс (МС) кўрсаткичи СЮЕ II ФС ли беморларда ЧҚ ички босими ошиши хисобига 18,6% ($P < 0,01$) га юқори бўлди. Қоринчалар ички миокардиал зўрайиши, юрак камералари дилатациясига қарамай, зарб хажмининг ортишига мойиллик кузатилди.

СЮЕ нинг зўрайиши (III ФС) ЧҚ янада кўпроқ структуравий қайта тузилиши билан кечди, ЧҚ дилатацияси даражаси ортди: СЮЕ I ФС ли беморлар кўрсаткичларидан ОДЎ 29,6% ($P < 0,05$)га ва ОДХ 34,1% ($P < 0,001$) га ортди. ОСЎ кўрсаткичи бу беморларда I ФС ли беморлар кўрсаткичидан ишонарли даражада 35,9% ($P < 0,001$) га, ОСХ 38,4% га ортди. Охирги-систолик

даврда миокард ички босимининг ортиши натижасида МС кўрсаткичининг 34,8% ($P < 0,01$) га ортиши билан тавсифланди.

МНУП билан юрак ремоделланиши кўрсаткичлари орасида корреляцион боғлиқлик аниқланди: МНУП ва ОФ кўрсаткичи орасида тескари ($r = -0,71$) ва ОДХ кўрсаткичи билан тўғри корреляцион боғлиқлик ($r = 0,68$) аниқланди.

Тиреотоксикоз билан касалланган беморларда юрак меъёрий конфигурацияси – 8 та беморда, концентрик ремоделлашув - 20 та, концентрик гипертрофия – 49 та, эксцентрик гипертрофия – 43 та ҳолатларда кузатилди.

Диастолик функциянинг бузилиши дастлаб 84,21% (101 бемор)да аниқланди. Шунингдек I тип (секинлашган релаксация) 36,6% (37 бемор), II тип – (псевдонормал тип) 33,7% (34), III тип (рестриктив тип) – 29,7% (30) беморларда қайд қилинди.

Шундай қилиб, тиреотоксикоз негизида шаклланган СЮЕда ЧҚ миокардининг ремоделлашув жараёни унинг систолик ва диастолик функцияси бузилиши билан бирга, структуравий ўзгариши билан, яъни ЧҚ гипертрофияси, ЧҚ миокард массаси ортиши, юрак чап бўлмача ва ЧҚ бўшлиғининг кенгайиши, деворлар нисбий қалинлигининг ортиши ва ЧҚ нинг геометрик шаклидаги ўзгариш билан тавсифланди. Бу ўзгаришлар ТТГ гормони, Т3, МНУП ва Ал микдорларининг ошиши билан боғлиқ бўлиб, улар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик борлиги қайд этилди.

Кўпмарказли ўтказилган тадқиқотлар СЮЕнинг бошлангич босқичларида нейрогуморал тизим - САТ ва РААТ фаоллашуви периферик қон томирлар вазоконстрикцияси, ЧҚга гемодинамик юкламанинг кўпайиши билан бирга миокардга токсик таъсир кўрсатиб, фиброз ва апоптоз жараёнларини кучайтириши натижасида юрак ремоделлашуви ва унинг систолик ва диастолик функцияси бузилишига сабаб бўлади [48,109].

СЮЕ билан касалланган беморларни бошқаришнинг энг долзарб масалаларидан бири - СЮЕ билан касалланган беморларда эрта ташхис қўйиш,

даволаш ва узоқ муддатли прогнозни аниқлаш истиқболларига янги қараш имконини берадиган юқори аниқ ва сезгир лаборатор биомаркерларини ишлаб чиқишдир [39,111]. Бу мултиомилли касалликлар, шу жумладан юрак-қон тизими касалликлари ва унинг асоратлари ривожланиш эҳтимолини прогноз қилишда замонавий хавф табақаланишинг аҳамияти ошганлиги билан ҳам исботланади ва охириги йилларда инсон генетикаси соҳасидаги тараққиёт касаллик ривожланишини эрта башоратлаш, эрта ташхислаш ва даволашда персоналлашган тиббиёт тамойилларини қўллаш билан асосланади [4,64,107].

Муқобил узоқ муддат медикаментоз даволаш учун қўллаш тавсия қилинган дори воситалари – лизиноприл ва сакубитрил/валсартаннинг самарадорлиги ҳамда ўрганилаётган кўрсаткичлар динамикасини баҳолаш учун беморлар 2 гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳ (I) – 45 (54,2%)та тиретоксикоз билан касалланган СЮЕ II ва III ФС бўлган беморлардан иборат бўлиб, улар 6 ой давомида муқобил даволашда лизиноприл дори воситасини ва иккинчи гуруҳ (II) -54 (45,8%) тиреотоксикоз билан касалланган СЮЕ II ва III ФС бўлган беморлардан иборат бўлиб, улар 6 ой давомида оптимал даволашда сакубитрил/валсартан дори воситасини қабул қилдилар.

Олти ой давомида ўтказилган даволаш самарадорлигини ўрганиш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, I гуруҳ беморларида даволаш комплексида лизиноприлни қўллаш натижасида тиреотоксикоз билан касалланган беморларда нейрогормонлар миқдори ишончли пасайди: I ФС беморларида МНУП миқдори дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 24,6%, альдостерон эса 20,2% ($P<0,05$) камайди. II ФС беморларда МНУП миқдорининг 27,1% ($P<0,01$), альдостероннинг 22,3% ($P<0,05$) ва III ФС беморларда МНУП миқдори 30,8% ($P<0,05$) ва альдостерон миқдори 25,4% ($P<0,05$) камайиши аниқланди.

Даволаш комплексида сакубитрил/валсартанни қўллаш I ва II ФС беморлар қонидаги нейрогормонлар миқдorigа ижобий таъсир кўрсатди:

МНУП миқдори 30 ва 27,47% ($P<0,01$) камайган бўлса, альдостерон миқдори 23 ва 21,3% камайди ($P<0,01$). МНУП миқдорининг III ФС беморларида камайиши 38,2% ($P<0,05$) ташкил этди, альдостерон эса 16,3% ($P<0,01$)га камайди.

